

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ



МИКРОИҚТИСОДИЁТ

(МАЪРУЗА МАТНИ)

TACIS-TEMPUS JEP 21231-2000
қўшма лойиҳаси доирасида тўзилган

САМАРҚАНД - 2003

33(93) / № 2040.
с. 33. / Карташов с.
с. 33. / Карташов с.
2003. 850.

728

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва Сув Хўжалиги Вазирлиги

Самарқанд Қишлоқ Хўжалик Институти

Иқтисодиёт факультети талабалари учун
«Микроиқтисодиёт» фанидан
маъруза матни

Саттаров Ш.Х.

Самарқанд – 2003


Тузувчи:

Саттаров Ш.Х. - Самарқанд Қишлоқ Хўжалик Институти
«Иқтисодиёт» кафедраси

Тақризчилар:

Мўртазаев О. - Самарқанд Қишлоқ Хўжалик Институти,
«Иқтисодиёт» факультетининг декани, доцент.

Назарқулов У. - Тошкент Давлат Аграр Университети, и.ф.н.,
Хоэнхайм Университети доктори (Германия).



Ушбу маърузалар матни Самарқанд Қишлоқ Хўжалик Институти
«Иқтисодиёт» факультетида ва Институт Илмий кенгашида муҳокама
этилиб, кўпайтириш учун маъқулланган.

«Микроиқтисодиёт» фанидан соатлар тақсими

№	Мавзулар	Соатлар тақсими Маъруза/ амалий
1	Микроиқтисодиёт фанининг предмети, объекти ва методлари	2/2
2	Талаб ва таклиф таҳлили асослари	2/2
3	Талаб ва таклиф эластиклиги.	2/2
4	Бозорни давлат томонидан бошқарилиши.	2/2
5	Ишлаб чиқариш функцияси.	2/2
6	Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда	2/2
7	Мукаммал рақобат шароитида таклиф.	2/2
8	Соф монополия шароитида баҳо ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш.	2/2
9	Баҳоли дискриминация. Монопол ҳокимият.	2/2
10	Монопол рақобатли бозор.	2/2
11	Олигопол бозор.	2/2
	Жами :	24/24

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гребенников П.И., Леусский А.И., Тарасевич Л.С Микроэкономика.,
2. David M. Kreps. A course in Microeconomic Theory, HARVESTER WHEATSHEAF New York, London, Toronto, Sydney, Tokyo, 1990.
3. Долан Э., Линдсей Д. Рынок: микроэкономическая модель., 1992.
4. Макконнелл К., Брю С. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. М.: Республика, 1992.
5. Максимова В.Ф. Микроэкономика. Учебник М.: Соминтек, 1996.
6. Мэнкью Н.Г. Принципы экономики.: Питер Ком, 1999.
7. Нуреев Р.М. Курс микроэкономики. Учебник для вузов. М., 1998
8. Пиндайк Р., Рубинфельд Д. Микроэкономика. М.: Экономика, 1992.
9. Самуэльсон П. Экономика. М., 1992.
10. Fehl, Ulrich; Oberender, Peter, Grundlagen der Mikroökonomie, 2002.
11. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. М.: Дело Лтд, 1993.
12. Wiese, Harald, Mikroökonomik, 2002.
13. Хайман Д.Н. Современная микроэкономика: анализ и применение. М.: Финансы и статистика, 1992.
14. Экономика: Учебник / Под ред. А.С. Булатова. М.: Изд-во Бек, 1995.

Кириш

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларида халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу жумладан амлакат таълим тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда республикада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди ҳамда «Давлат таълим стандартлари тўғрисида» қонун қабул қилинди ва таълим тизимининг барча соҳаларига амалиётда кенг жорий этилмоқда.

Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим сифати ни ошириш мақсадида барча фанлардан маъруза матнларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда хориж тажрибасини ўрганиш ва хорижий олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида изланишлар олиб бориш янада муҳимдир.

Мазкур маъруза матни иқтисодиёт факультети талабаларига мўлжалланган бўлиб, у Европа Иттифоқининг Тошкент Давлат Аграр Университети, Самарқанд Қишлоқ Хўжалик Институтини, Нохенхайм Университети (D) ва Вагенинген Университетлари (NL) ўртасидаги "EU-TEMPUS" №. 21231-2000 проектининг томонидан ташкил этилган ўзаро ҳамкорлик асосида тайёрланди. Бунда Нохенхайм Университети (D) кутубхонасидаги «Микроиқтисодиёт» фанидан chop этилган хорижий адабиётлардан кенг фойдаланилди.

1 Мавзу. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, объекти ва методлари.

1. Иқтисодиётда ресурсларнинг чекланганлиги.
2. Микроиқтисодиёт фанининг предмети ва объекти.
3. Микроиқтисодиёт фанининг ўрганиш методлари.

1. Маълумки, инсон чекланган имкониятлар оламида яшайди. Унинг жисмоний ва интеллектуал имкониятлари ҳам чекланган. Унинг у ёки бу машғулотларга сарфлаши мумкин бўлган вақти ҳам ва олдига қўйган мақсадига эришиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалари ҳам чегараланган. Ҳаёт эса шу қадар бой ва ҳилма ҳилдир. Нафақат инсон, балки бутун жамият, ҳатто агар уни планетар (бутун ер юзи) миқёсида олинганда ҳам унинг озодлик, бахт ва фаровонликка эришиш учун талпинишида ҳам чекланиш мавжуд. Инсоният ўзининг неча асрлар ва минг йилликлар давомидаги тарихида ушбу чекланишлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиришга эришган бўлсада, ҳозирги кунимизда ҳам ва келажакнинг исталган даврида ҳам, ресурсларнинг доимий етишмаслиги - шахс ва жамият фаровонлигини таъминлаш ва улар имкониятларини оширишнинг бош ва шу билан биргаликда ута оғир шарти бўлиб қолади.

Ресурсларнинг чекланганлиги нисбий ҳарактерга эгадир. Унинг ҳажми инсонларнинг биргаликда барча эҳтиёжларини бир даврнинг ўзида ва тўлалигича қондиришнинг пиринципиал мумкин эмаслигида ўз аксини топади. Албатта, ресурслар камёблиги бўлмаганида, балки уларни турли эҳтиёжлар ўртасида оптимал равишда тақсимлашга ҳожат қолмас эди, уларни тежаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, истеъмол товарлари ва

хизматларини тақсимлашда маълум тамоилларни ишлаб чиқиш зарур бўлмас эди. Ёки, «Барчага – талабига яраша» орзу-шиорини ҳаётга тадбиқ этиш инсоният учун осон кечиши мумкин бўлар эди.

Ресурслар танқислигининг яқин оқибати бўлиб, улардан фойдаланишда вужудга келадиган рақобат ҳисобланади. Бу нафақат инсонлар ўртасидаги уларнинг шахсий ёки биргаликдаги (гурух) эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларга бўлган рақобати, балки биринчи навбатда ресурслардан фойдаланишдаги муқобил (альтернатив) мақсадлар ўртасидаги рақобатдир. Масалан, пахта хом ашёсидан асосан тола ва ёғ олинади. Уни кейинги қайта ишлашлар натижасида ип, газлама ва тайёр кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Пахта толасини экспортдан олинadиган валюта пул тушумидан жаҳон бозоридан озик – овқат, дори – дармон, бошқа истеъмол товарлари ва шунингдек озик- овқат, енгил ва кимё саноатлари учун янги техника ва технологияларни ҳарид қилишда фойдаланиш мумкин. Барча ушбу альтернатив мақсадлар ҳар доим чекланган бўлиб, хатто охириги йилларда мамлакатимизда пахта хом ашёси ишлаб чиқаришининг қисқараётган ҳажмидан фойдаланишда ҳам рақобатлашадилар. Пахта хом ашёсининг экспортини ошириб, биз мамлакатимиз енгил-текстиль саноатини ривожлантиришга салбий таъсир этишимиз мумкин. Иккинчи томондан, пахта экспортини ошириш эвазига дон маҳсулотларини импорт қилиш ва ғалладан бўшаган экин райдонларида пахта билан озиқабон экинларни алмашлаб экиш натижасида чорвачиликни ривожлантиришга ижобий таъсир этишимиз мумкин.

Демак, жамият ва худди шунингдек ҳар бир шахс олдида ҳар доим турли ҳил рақобатлашувчи мақсадлар ўртасида чекланган ресурсларни тақсимлаш усулларини танлашдек муҳим масала

кўндаланг туради. Ушбу вазифани ҳал этиш имкониятлари иқтисодиёт фанининг предмети ташкил этади.

2. Микроиқтисодиёт – иқтисодиёт назариясининг таркибий қисми бўлиб, у инсолар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни ўрганади ва уларнинг хўжалик фаолиятларининг умумий қонуниятларини белгилаб беради.

Микроиқтисодиёт – бу қарорлар қабул қилиш ҳақидаги фан бўлиб, у алоҳида иқтисодий субъектларнинг фаолиятини ўрганади.

Микроиқтисодиёт фанининг асосий муаммолари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- баҳолар, ишлаб чиқариш ҳажми ва аниқ неъматлар истеъмоли;
- алоҳида бозорларнинг ҳолати;
- муқобил мақсадлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш.

Микроиқтисодиёт баҳоларнинг нисбий даражасини, яъни алоҳида неъматлар баҳоларининг ўзаро муносаббатларини ўрганади.

Микроиқтисодиёт фанининг предмети бўлиб, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий алоқалар ва иқтисодий танлов шароитида алоҳида иқтисодиёт субъектлари томонидан қарорлар қабул қилиш ҳисобланади.

Микроиқтисодиётда қуйидаги масалаларни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади, яъни:

- инсонларнинг иқтисодий фаолиятлари, қайсики улар махсус адекват институт ва жамоат тўғрисида бириктирилади. Бу ерда махсус институтлар сифатида бозор, мулк ва давлат катнашади.
- Иқтисодий субъектлар томонидан қарорлар қабул қилиш ва муносабат иқтисодий ҳаракатларни амалга ошириш.

- Муқобил вариантлардан бирини танлаш муаммоси. Бунда неъматларнинг камёблиги ва чегараланганлиги кўндаланг туради.

Микроиқтисодиёт иқтисодий субъектларининг асосий вазифаси – ресурслар танқислиги билан асосланган иқтисодий танловни амалга оширишдан иборат. Танловни амалга ошириш жараёнида қуйидаги фундаментал вазифаларни ечиш зарурияти вужудга келади:

- Нима, яъни қандай товар ва хизматлар ва қандай ҳажмда ишлаб чиқарилади?;
- Қандай, яъни қайси чекланган ресурслардан ва технологик усуллар ёрдамида инсонлар учун зарурий неъматларни ишлаб чиқариш?;
- Ушбу чегараланган ҳаётий неъматларни ким учун ишлаб чиқариш?;
- Ҳозирги даврдаги ва истикболдаги истеъмол учун ресурсларни қандай ҳажмда сарфлаш;

Ҳозирги замон микроиқтисодиёти юқорида қайд этилган тўртта вазифаларни қандай қилиб амалга ошириш йўлларини ўрганади.

Ҳозирги замон иқтисодчи олимлари микроиқтисодиёт фанини тўртта таркибий қисмга бўлишади. Биринчи қисм истеъмолчи талабининг шаклланиш қонуниятларининг таҳлилига бағишланади. Микроиқтисодиётнинг бу қисмида нафлиликнинг чегаравий назарияси ривожланади. Микроиқтисодиётнинг иккинчи қисмида алоҳида бир корхона фаолиятини конкрет бозор шароитларида унинг ҳаражатларини шаклланишини ўрганиш нуқтаи назаридан таклиф масаласи таҳлил этилади. Учинчи қисм турли бозор шакллари (мукамал ва номукамал рақобат бозорлари) қараб талаб ва таклифнинг ўзаро мутаносиблиги таҳлилига бағишланади. Микроиқтисодиётнинг тўртинчи қисми эса тақсимот назариясига

бағишланган бўлиб, унда ҳар ҳил бозор ва ишлаб чиқариш омилларига баҳоларнинг ташкил топиш муаммолари таҳлил этилади.

Микроиқтисодиёт индивидуал баҳоларнинг ҳаракатини ифодалайди ва бозор механизмидек мураккаб алоқалар системаси билан боғлиқликда фаолият юритади. У ҳаражат, фойда, нафлилик, қиймат ва баҳоларнинг тўғридан тўғри ишлаб чиқариш ва бозорда алмашув жараёнларида шаклланиш муаммолари билан шугулланади.

Микроиқтисодиёт фанининг асослари йиллар давомида асосий вақиллари К.Менгер, Ф.Визер ва Э.Бем-Баверклар бўлган австрия мактаби томонидан яратилган. Микроиқтисодиётнинг фан сифатида ривожланишига инглиз иқтисодчилари А. Маршалл, А. Пигу, Дж. Хикс, америкалик иқтисодчи Дж. Б. Кларк, италиялик иқтисодчи В. Паретто, швейцариялик иқтисодчи Л. Вальрас ва бошқа олимлар улкан ҳисса қўшдилар.

Микроиқтисодиёт фанининг объекти - бу кишиларнинг иқтисодий фаолияти ва унда пайдо бўладиган иқтисодий муаммолардир. Микроиқтисодиётнинг объекти бўлиб: алоҳида индивидлар, уй хўжаликлари, корхоналар, бирламчи ишлаб чиқариш ресурсларининг эгалари, мамлакат ичкарисси ва ташқарисидаги корхоналар билан боғланган йирик корпорациялар ва хатто, иқтисодиётнинг бутун тармоклари ҳисобланади.

3. Алоҳида иқтисодий субъектларнинг фаолиятларини асослаш юзасидан микроиқтисодий назария позитив (ижобий) ва норматив қисмга бўлинади. Позитив микроиқтисодиёт фактларни ва ушбу фактлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганади ва нима бор? ёки нима бўлиши мумкин? деган саволга жавоб беради. Норматив микроиқтисодиёт ҳаракат вариантларини таклиф этади, иқтисодий

шароитларнинг қўлай ёки ноқўлайлигини аниқлайди ва нима бўлиши лозим? деган саволга жавоб беради.

Микроиқтисодиётнинг позитив ва норматив қисмларга бўлиниши микроиқтисодиёт назарияси методологиясида дастлабки ўринни эгаллайди.

Позитив микроиқтисодиёт назариясининг асосий ўрганиш усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Якуний таҳлил ёки маржинализм. Бунда иқтисодий ҳодисалар нафақат тугалланган, балки доимий ўзгаришда бўлган кўринишда таҳлил этилади.
2. Функционал таҳлил. Бунда дастлаб ҳодисаларнинг ўзига хос сифатлари аниқланади ва сифат даражасига таъсир этувчи омиллар белгиланади. Сўнгра ўрнатилган сифат омиллари ўртасидаги ўзаро алоқалари аниқланади.
3. Мувозанатли ёндашув усули. Бунинг маъноси шундан иборатки, микроиқтисодиёт мувозанат ҳолатини ўзгаришига ички мойиллик бўлмаганда ундаги нисбий барқарорликнинг ҳолатини ўрганади. Агар ташқи шароитларнинг бир оз миқдорда ўзгариши натижасида иқтисодий ҳолат бирданига ўзгарса, бундай мувозанат муқаррар ҳисобланади. Агар ташқи ўзгаришлар шаронтида тизимнинг ўзида старли кучлар мавжуд бўлса ва улар тизимдаги дастлабки ҳолатни таъминлай олса, бундай мувозанат муқаррар дейилади.
4. Назариянинг текширувчанлик методи, бунга мувофиқ назария амалиётда қисман бўлсада ўз тасдиғини топиши лозим. Агар канчалик назария фактларга таянмаса, унда бундай назария ёки қайта ишланади, ёки ундан умуман воз кечилиб ўрнига янгиси яратилади. Шунинг учун кўпчилик иқтисодчилар, субъектив баҳо

бериш ўрнига, иқтисодиётда ниманинг ва қандай амалга оширилишини тушунтириш лозим дейишади.

Норматив ёндашув тарафдорлари иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни кенг моделлаштиришдан фойдаланадилар, яъни объектлар устида изланишлар олиб бориш жараёни билвосита эмас, балки моделлар орқали бевосита амалга амалга оширилиши лозим бўлади.

Микроиқтисодиётда оптимизацион ва мувозанатлаш моделлари қўлланилади.

Оптимизацион моделлар алоҳида иқтисодий субъектларнинг фаолиятини ўрганишда фойдаланилади. Ушбу моделларда асосий ишчи категориялар бўлиб провард нафлилик, провард маҳсулот, провард ҳаражатлар, провард натижа (пул тушуми) ва бошқалар ҳисобланади.

Мувозанатлаш моделлари иқтисодий субъектларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишда қўлланилади. Ушбу моделлар орқали иқтисодий тизимнинг мувозанат ва номутаносиблик ҳолатлари ўрганилади. Микроиқтисодиёт назариясида бозор мувозанати моделлари муҳим аҳамият касб этади, чунки иқтисодий субъектлар факат барча баҳолар, ресурслар ва таклиф этилаётган неъматлар ҳақида тўғри информацияга эга бўлган тақдирдагина ўз хўжалик фаолиятларини самарали амалга ошира оладилар. Чунки, ҳар бир алоҳида иқтисодий субъектлар эса ушбу маълумотлардан етарли даражада воқиф бўлмасликлари мумкин.

2 Мавзу. Талаб ва таклиф таҳлили асослари.

1. Талаб ва унга таъсир этувчи омиллар. Талаб функцияси.
2. Таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар. Таклиф функцияси.
3. Талаб ва таклифнинг ўзаро муносабати ва мувозанат.

1. Талабга таъриф беришдан олдин, эҳтиёж тушунчасига эътибор қаратилиши лозим. Эҳтиёж – бу инсоннинг кундалик ҳаёти давомида бирон бир неъматга зарурият сезиши, ҳоҳиш ва истак билдиришидир. Инсон эҳтиёжлари чексиздир. Лекин у инсоннинг ҳаёти давомида унинг даромадлари билан чекланади. Масалан, жаҳонда турли маркаларда автомобиллар ишлаб чиқарилади, инсон уларнинг кўпчилигига эҳтиёж сезиши мумкин, аммо унда (унинг пул даромадларига қараб) 1 ёки 2 автомобилга талаб ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёж талабнинг асосини ташкил этсада, тулалигича талаб бўла олмайди. Яъни, талаб – бу кишиларнинг даромадлари билан асосланган эҳтиёжларининг йиғиндисидир.

Бирон бир товарга талабнинг пайдо бўлиши, уни инсон томонидан қарид қилиш ҳоҳиши билан, шунингдек ушбу товар учун айнан шу баҳодаги бирон бир бошқа товар ёки хизматдан воз кечиш розилиги билан ифодаланади. Яъни, талабнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир этиши мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Товарларнинг баҳолари.
2. Инсонларнинг ҳоҳиш ва истаклари.
3. Инсонларнинг пул даромадлари.

Бирор бир товарга бўлган талаб ҳажми деганда, маълум шароитлар асосида ва маълум вақт бирлигида (кун, ой, йил) бир шахс, гуруҳ ёки бутун аҳолининг шу товарни сотиб олишга рози бўлган миқдори тушунилади. Маълум шароитлар гуруҳига ушбу ва

бошқа товарларнинг баҳолари, ҳаридорларнинг ҳоҳиш ва истаклари, ҳамда пул даромадлари миқдори киритилади.

Талаб баҳоси деганда, ҳаридорларнинг ушбу товарнинг маълум миқдори учун тўлашга рози бўлган максимал баҳо тушунилади.

Талаб ҳажмининг унга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқлиги талаб функцияси деб аталади.

Умумий кўринишда талаб функцияси қуйидагича белгиланади:

$$Q^D_n = Q^D_n(T; P_1, P_k; I;) \quad (1.1)$$

Бу ерда: 1) Q^D_n - n - товарга бўлган талаб ҳажми;

2) T - ҳаридорларнинг ҳоҳиш ва истаклари;

3) $P_1, \dots, P_k$ - товарларнинг баҳолари;

4) I - ҳаридорларнинг пул даромадлари;

Агар товарларнинг баҳоларидан бошқа (P_n) талаб ҳажмига таъсир этувчи омилларни ўзгармас деб қаралса, (1.1) функциясида талабнинг баҳо функциясига утиш мумкин. У n - товарга бўлган талабнинг фақат унинг баҳоси билан боғлиқлигини ифодалайди. Яъни:

$$Q^D_n = Q^D_n(P_n) \quad (1.2)$$

Талабнинг баҳо функцияси қуйидаги уч усулдан бири билан ифодаланиши мумкин:


1) Жадвал усули, масалан:

P_n (сўм)	Q^D_n (дона)
...	...
100	1000
150	700
...	...
500	300
...	...


2) Аналитик (таҳлилий) усул, масалан:

$$Q_n^D = Q_n^D(P_n) \quad (1.2)$$

3) График усули. 1-чизмада DD тўғри чизиги талабнинг баҳо функциясини ифодалайди ва талаб чизиги дейилади. Графикда координаталар системасининг абцисса ўқида талаб ҳажми ва ордината ўқида эса талаб баҳоси тасвирланган.



1-чизма. Талаб чизиги.



2-чизма. Талаб ҳажмининг ўзгариши ва талаб чизигининг силжиши.

Талаб ҳажмининг ўзгариши (*change in quantity*) ва талабнинг ўзгариши (*change in demand*) деган тушунчаларни бир биридан фарқлаш лозим. Талаб ҳажмининг ўзгариши товар баҳосининг ўзгаришидан келиб чиқади. Масалан, 1- чизмадан кўриниб турибдики, баҳонинг P_1 дан P_2 нуқтага камайишида талаб ҳажми Q_1 дан Q_2 нуқтага ўпаяди.

Фараз қилайлик, энди талабга таъсир этувчи омиллардан бири ўзгарса, масалан, ҳаридорларнинг пул даромадлари. Агар аҳолининг пул даромадлари ошса, унда товарнинг ҳар қандай баҳосига талабнинг катта ҳажми мос келади. Натижада, талаб ҳажми билан баҳо ўртасида янги боғлиқлик вужудга келади, яъни баҳонинг талаб

функцияси ўзгариб, талаб чизиги D_1D_1 дан D_2D_2 га силжийди, чунки талаб ҳажми баҳонинг P_1 нуқтасида Q_1 дан Q_3 гача, баҳонинг P_2 нуқтасида эса Q_2 дан Q_4 гача ошади. Аксинча, аҳоли даромадларининг камайиши талаб чизигининг чап томонга - D_1D_1 ҳолатига кучишига олиб келади. Бундай ҳолатларни «талабнинг ўзгариши» дейилади.

Баҳо билан талаб ҳажми ўртасидаги тескари муносабатликни, яъни баҳонинг пасайиши талаб ҳажмининг ошишига ва аксинча, пасайишига олиб келишини иқтисодчилар – «талаб қонуни» деб атайдилар.

Маълумки, иқтисодиётда ушбу қонунга номутаносиб – Гиффен порадокси мавжуд. Инглиз иқтисодчиси Роберт Гиф – фен (1837 - 1916) 19 аср ўрталарида Ирландиядаги очарчилик даврида, ўз эътиборини картошка баҳосининг ошишига қарамасдан унга бўлган талаб ҳажмининг ошганлигига қаратади. Уша даврда картошка Ирландия камбағалларининг асосий озиқ – овқат маҳсулоти бўлиб ҳисобланарди. Унинг баҳосининг кўтарилиши уларни бошқа қимматроқ ва сифатлироқ маҳсулотларни истеъмолини камайтиришга мажбур қилди. Чунки, картошка барибир ўз баҳосининг ошишига қарамасдан бошқа маҳсулотларга нисбатан арзонроқ маҳсулот эди, натижада унга талаб ҳажми ошди.

2. Таклиф – бу сотувчиларнинг маълум давр мобайнида ва маълум миқдордаги у ёки бу товарларни сотишга тайёрлигини ифодалайди.

Таклиф ҳажми деганда – маълум шароитларда ва маълум вақт бирлигида сотувчилар томонидан бозорга сотиш учун мулжалланган у ёки бу товарлар миқдори тушунилади. Маълум шароитлар жумласига қўлланилаётган технология ҳолати, товарлар баҳоси ва ишлаб

чиқариш ресурслари баҳоси, солиқ ва дотациялар даражаси, табиий об - ҳаво шароитлари (табиат билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларда) ва бошқалар киради ва улар таклиф ҳажмига таъсир этувчи асосий омиллар бўлиб ҳисобланади.

Таклиф баҳоси - бу сотувчининг маълум миқдордаги товарни сотиши мумкин бўлган минимал баҳосидир.

Таклиф ҳажмининг унга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқлиги - таклиф функцияси деб аталади.

Таклиф функцияси умумий кўринишда қуйидагича ифодаланади:

$$Q_n^S = Q_n^S(L_n; P_1, \dots, P_k; T_n; N) \quad (2.1)$$

Бу ерда: 1) Q_n^S - n -товарга бўлган таклиф ҳажми;

2) L_n - n -товарни ишлаб чиқариш учун қўлланилаётган технология ҳолати;

3) $P_1, \dots, P_k$ - товарларнинг баҳолари;

4) N - табиий шарт - шароитлар;

Агар товарларнинг баҳоларидан бошқа (P_n) таклиф ҳажмига таъсир этувчи барча омилларни ўзгармас деб қаралса, (2.1) функциясидан таклифнинг баҳо функциясига ўтиш мумкин. У таклиф ҳажмининг товарлар баҳоси билан боғлиқлигини ифодалайди. Яъни:

$$Q_n^S = Q_n^S(P_n) \quad (2.2)$$

Таклифнинг баҳо функцияси қуйидаги уч усулдан бири билан ифодаланиши мумкин:

1) Жадвал усули, масалан:

P_n (сўм)	Q_n^S (дона)
...	...
100	300
150	500

...

...

500

1000


...

...


2) Аналитик (таҳлилий) усул, масалан:

$$Q_n^S = Q_n^S(P_n) \quad (2.2)$$

3) График у сули. 1-чизмада SS тўғри чизиги таклифнинг баҳо функциясини ифодалайди ва таклиф чизиги деб аталади. Графикда координаталар системасининг абцисса ўқида таклиф ҳажми ва ордината ўқида эса таклиф баҳоси тасвирланган.




3-чизма. Таклиф чизиги.



4 - чизма. Таклиф ҳажмининг ўзгариши ва таклиф чизигининг силжиши.

Бу ерда ҳам, таклиф ҳажмининг ўзгариши (*change in quantity*) ва таклифнинг ўзгариши (*change in supply*) деган тушунчаларни бир биридан фарқлаш лозим. Таклиф ҳажмининг ўзгариши товар баҳосининг ўзгариши натижасида вужудга келади. Масалан, 4-



чизмадан кўриниб турибдики, баҳонинг P_1 дан P_2 нуқтага ошишида таклиф ҳажми Q_1 дан Q_2 нуқтага ошади.

Фараз қилайлик, энди таклифга таъсир этувчи омиллардан бири ўзгарса, масалан, қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши шароитида об-хавонинг ноқўлай келиши. Натижада таклиф ҳажми билан баҳо ўртасида янги боғлиқлик вужудга келади, яъни таклиф функцияси ўзгаради. Бунда таклиф чизиги S_1S_1 дан S_2S_2 га силжийди ва бунда таклиф ҳажми дастлабки P_1 баҳода Q_3 ни, P_2 баҳода эса Q_4 ни ташкил этади. Бундай ҳолатларни «таклифнинг ўзгариши» дейилади.


Баҳо билан таклиф ҳажми ўртасидаги тўғри мутаносибликни, яъни баҳонинг ошиши билан таклиф ҳажмининг ошиши ва аксинча, камайишини иқтисодчилар – «таклиф қонуни» деб атайдилар.

Талаб ва таклиф қонунлари бозор иқтисодиётининг асосий қонунларидан бири бўлиб ҳисобланади, шунинг учун унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун ушбу қонунларга лоҳида эътибор қаратилиши лозим.

3. Талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатини кўриб чиқиш учун талаб ва таклиф чизикларини битта графикда тасвирлаш лозим бўлади. 5 – чизмада DD талаб чизиги ва SS таклиф чизиги ифодаланган. Координаталар системасининг абцисса ўқида талаб ҳажми ва таклиф ҳажми, ордината ўқида эса мос равишда талаб баҳоси ва таклиф баҳоси тасвирланган. Бозор мувозанати DD ва SS чизикларининг ўзаро кесилиш нуқталари координаталари билан аниқланади. Бунда Q_E ҳажм билан P_E баҳо бир бирига ўзаро мос келади. Уларни мос равишда «мувозанат ҳажми» ($Q_E = Q^D = Q^S$) ва «мувозанат баҳоси» ($P_E = P^D = P^S$) ейилади.

Мувозанат шароитида, бозор баланслашган бўлади ва уни бўзишга ҳам сотувчиларда ва ҳам ҳаридорларда интилиш бўлмайди.

Аксинча, P_E дан бошқа хоҳлаган баҳода бозор баланслашмаган бўлади, натижада, ҳаридорлар билан сотувчиларда пайдо бўлган вазиятни ўзгартиришга самарали рағбатланиш вужудга келади.



5- чизма. а- Вальрас мувозанати; б - Маршалл мувозанати;

Фараз қилайлик, масалан, реал бозор баҳоси мувозанат баҳосидан бир мунча ошди, айтиайлик - P_1 . Натижада, ушбу баҳода талаб ҳажми - Q^{D_1} ва таклиф ҳажми Q^{S_1} бўлади. Ушбу ҳолатда таклифнинг ортиқча қисми $(Q^{S_1} - Q^{D_1})$, - P_1 баҳога пасайтирувчи босим билан таъсир этади. Агар, реал бозор баҳоси мувозанат баҳосидан бирмунча пасайса, айтиайлик - P_2 даражада. Унда талаб ҳажми - Q^{D_2} таклиф ҳажмидан - Q^{S_2} баланд бўлади. Бу ерда талабнинг ортиқча қисми $(Q^{D_2} - Q^{S_2})$, - P_2 баҳога оширувчи босим билан таъсир этади. Биринчи ҳолатда ушбу таъсир этиш сотувчилар рақобати асосида амалга оширилса, иккинчи ҳолатда эса ҳаридорларнинг рақобати асосида амалга оширилади.

Мувозанатнинг бунда ифодаланишини, одатда *Вальрас мувозанати* деб аталади.

Аммо, мувозанатга муқобил ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у *Маршал мувозанати* деб аталди. Унга кўра, бозордаги мувозанат – талаб ва таклифнинг ортиқча қисмининг таъсири натижасида эмас, балки талаб баҳосининг таклиф баҳосидан ошиб кетиши ёки аксинча, таклиф баҳосининг талаб баҳосидан ошиб кетиши таъсирида пайдо бўлади ва бунга жавобан сотувчилар, мос равишда, таклиф ҳажмини ёки оширадилар ёки камайтирадилар.

Маршал мувозанати 5-6 - чизмада тасвирланган. Бунда, агар таклиф ҳажми Q_E мувозанат даражасидан пастда бўлса ва талаб баҳоси таклиф баҳосидан юқори, яъни $Q_1 P^D_1 > P^S_1$ бўлса, бу ҳолат сотувчиларни таклиф ҳажмини оширишга ундайди. Агар таклиф ҳажми мувозанат даражасидан баланд ва таклиф баҳоси талаб баҳосидан юқори, яъни $Q_2 P^S_2 > P^D_2$ бўлса, бу ҳолат сотувчиларни таклиф ҳажмини камайтиришга мажбур қилади. Мувозанат ҳажми шароитида талаб баҳоси таклиф баҳоси билан ўзаро мос келади, яъни P^S қ P^D P_E

Мувозанатга икки ҳил ёндашувнинг фарқи шундан иборатки, Маршал ўз эътиборини биринчи навбатда «талаб баҳоси» ва «таклиф баҳоси» тушунчаларига қаратади, шунинг учун унинг талаб ва таклиф функциялари қуйидагича кўриниш олади:

$$P^D = P^D(Q);$$

$$P^S = P^S(Q);$$

Мувозанат шarti сифатида қуйидаги тенглик олинади:

$$P^D(Q) = P^S(Q) \quad (3.1)$$

Талаб ва таклиф ҳажмлари, мустақил ўзгарувчилар сифатида координаталар системасининг абсисса ўқиға жойлаштирилади.

Вальрас эса ўз эътиборини келтирилган маълум баҳолардаги талаб ва таклиф ҳажмиға қаратади. Шунинг учун унинг талаб ва таклиф функцияси қуйидагича кўринишға эға бўлади:

$$Q^D = Q^D(P);$$

$$Q^S = Q^S(P);$$

Мувозанат шарти сифатида эса қуйидаги тенглик хизмат қилади:

$$QD(P) = QS(P) \quad (3.2)$$

Ҳозирги замон иқтисодиёт назарияси талаб ва таклиф функцияларини Вальрасчасидан ва уларни графикда тасвирлашда Маршалчаси мувозанатидан фойдаланилади.

3 Мавзу. Талаб ва таклиф эластиклиги.

1. Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги.
2. Талабнинг даромад бўйича эластиклиги.
3. Таклифнинг эластиклиги.

1. Эластиклик деганда – бир ўзгарувчи иқтисодий кўрсаткич 1% га ўзгарганда иккинчисининг неча фоизга ўзгариши тушунилади.

Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги – бу бозор баҳосининг ўзгаришига жавобан талаб даражасининг ўзгаришидир.

Талабнинг баҳо бўйича эластиклигини, одатда икки ҳилга ажратадилар: нуқтали ва эгри эластиклик.

Нуқтали эластиклик (ёки нуқтадаги эластиклик) – баҳонинг секин ўзгаришида талаб ҳажмининг ўзгаришини ифодалайди ва нуқтали эластиклик коэффициенти ёрдамида ҳисобланади:

$$E_p^d = (\Delta Q_d / Q_d) / (\Delta P / P) = (\Delta Q_d / \Delta P) \cdot (P / Q_d);$$

Бу ерда: 1) Q_d – сотиб олинadиган товар миқдори;

2) P – ушбу товар баҳоси;

Эгри эластиклик – бу ўртача эластиклик сифатида аниқланади ва унинг эластиклик коэффициенти қуйидагича бўлади:

$$E_p^d = (\Delta Q_d / \Delta p) \cdot ((p_1 + p_2) / (Q_{d1} + Q_{d2}));$$

Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги ҳар доим тескари кўрсаткичли бўлади, чунки каср суръати билан маҳражи ҳар ҳил ишорали бўлади.

Агар $E_p^d > 1$ бўлса, товарга бўлган талаб баҳо бўйича эластик бўлади;


Агар $E_p^d < 1$ бўлса, товарга бўлган талаб баҳо бўйича ноэластик бўлади;

Агар $E_p^d = 1$ бўлса, талаб ягона эластикликка эга бўлади;


Агар $E_p^d = 0$ бўлса, талаб баҳо бўйича умуман эластик бўлмайди;

Агар $E_p^d \rightarrow \infty$ бўлса, унда талаб баҳо бўйича мутлоқ эластик бўлади.


Баҳо бўйича талаб эластиклигининг графиклари.



1-чизма.



2-чизма.




3-чизма

1. $E_p^d > 1$ - баҳо талабга кучли таъсир этади. Баҳонинг P_1 дан P_2 камайиши, талабнинг Q_1 дан Q_2 га сезиларли даражада ошишига олиб келади, бунда жами пул тушуми - $P \cdot Q$ ошади.

2. $E_p^d < 1$ - баҳо талабга кучсиз таъсир этади. Баҳонинг пасайиши, талабнинг сезиларсиз даражада ошишига олиб келади, натижада жами пул тушуми - $P \cdot Q$ пасаяди.

3. $E_p^d = 1$ - баҳо бўйича талабнинг ягона эластиклиги. Бунда, баҳо қанчага ошса, талаб ҳам шунга тенг равишда ошади. Шунинг учун жами пул тушуми ўзгаришсиз қолади.



4-чизма

4. Бунда, D_1 фақат маълум бир баҳодагина товарнинг истеъмолчи томонидан сотиб олинишини кўрсатади.

Талабнинг баҳо бўйича эластиклигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- 1) Ўринбосар товарларнинг мавжудлиги, яқин ўринбосари бўлган товарга талабнинг эластиклик даражаси юқорироқ бўлади.
- 2) Вақт чегараси. Унинг доирасида ҳарид қилиш учун қарор қабул қилинади. қисқа вақт мобайнидаги талаб, узоқ вақтдагига қараганда эластикроқ бўлади.
- 3) Истеъмолчи учун товарнинг муҳимлиги. Биринчи ўринда зарур бўладиган товарларга талаб кам эластик бўлади.
- 4) Истеъмолчи даромадида товарнинг тутган ўрни. Истеъмолчи бюджетида маҳсулот канча кўп ўрин эгалласа, унга бўлган талабнинг эластиклиги шунча юқори бўлади.

2. Талабнинг баҳо бўйича эластиклиги бирон бир товарга иккинчи товар баҳосининг ўзгариши натижасида талаб даражасининг фоизли ўзгаришига айтилади.

Талабнинг эластиклик коэффициенти деб, i – товарга n – товар баҳосининг ўзгариши натижасида талаб даражасининг ўзгаришига айтилади, яъни:

$$E_{in}^d = (\Delta Q_i / \Delta P_i) (P_n / Q_n);$$

Талабнинг эластиклик коэффициенти мусбат, манфий ва нолга тенг бўлиши мумкин.

1. Агар $E_{in}^d > 0$ бўлса, i ва n товарлар бир бирини ўрнини босувчи товарлар дейилади, n – товар баҳосининг ошиши, i – товарга талабнинг ошишига олиб келади. (мас., ёқилғи турлари);
2. Агар $E_{in}^d < 0$ бўлса, i ва n товарлар бир бирини тўлдирувчи товарлар дейилади, n – товар баҳосининг кўтарилиши, i – товарга талабнинг камайишига олиб келади. (мас., автомашина ва бензин);
3. Агар $E_{in}^d = 0$ бўлса, i ва n товарлар – мустақил товарлар дейилади, n – товар баҳосининг ошиши, i – товарга бўлган талаб даражасига таъсир этмайди. (мас., ёғоч ва цемент);

Талабнинг даромад бўйича эластиклиги истеъмолчи даромадининг ўзгариши натижасида, бирон бир товарга бўлган талабнинг ўзгаришини ифодалайди.

Талабнинг даромад бўйича эластиклиги деб – бу истеъмолчи даромадининг ўзгариши натижасида, талаб даражасининг фоизли ўзгаришига айтилади.

Талабнинг даромад бўйича эластиклиги қуйидагича ҳисобланади:

$$E_I^d = (\Delta Q_d / \Delta Q_d) / (\Delta I / I) = (\Delta Q_d / \Delta I) \cdot (I / Q_d);$$

Бу ерда: 1) E_I^d – талабнинг даромад бўйича эластиклик коэффициенти;

2) I – истеъмолчи даромадлари;

- Агар $E^d_1 > 0$ бўлса, товар «нормал ва тулақонли» товарлар категориясига киради, даромаднинг ошиши билан ушбу товарларга талаб ҳам ошади;
- Агар $E^d_1 < 0$ бўлса, товар «паст сифатли» товарлар категориясига киради, даромаднинг ошиши билан ушбу товарларга талаб тушиб кетади;

«Нормал ва тўлақонли» товарлар категориясини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- Зарурлиги жиҳатидан биринчи ўринда турадиган товарлар, уларга талаб даромадларнинг ошишига нисбатан секинроқ ошади, яъни $0 < E^d_1 < 1$ бўлади;
- Зарурлиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган товарлар, уларга талаб даромадларнинг ошишига қараб ошиб боради, яъни $E^d_1 = 1$ бўлади;
- Узоқ вақт фойдаланиладиган ва қимматбаҳо товарлар, уларга талаб даромад ошишига нисбатан тезроқ ошади, яъни $E^d_1 > 1$ бўлади.

3. Таклифнинг эластиклиги бу – бозор баҳосининг ўзгаришига нисбатан таклиф даражасининг ўзгаришидир.




Таклиф эластиклигининг коэффиценти қуйидагича ҳисобланади:

$$E^s = (\Delta Q_s / Q_s) / (\Delta P / P) = (\Delta Q_s / \Delta P) \cdot (P / Q_s);$$

Баҳонинг ўзгаришига қараб таклифнинг ўзгариши қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) кучли, яъни $-1 < E^s_p < \infty$; бунда таклиф эластик бўлади. (1 - чизма);
- б) кучсиз, яъни $-0 < E^s_p < 1$; бунда таклиф ноэластик бўлади. (2 - чизма);

в) ягона, яъни - $E_p^s = 1$; бунда таклиф баҳо бўйича ягона эластикликка эга бўлади. (3 - чизма).



Бунда қуйидаги икки ҳолат ҳам кўзатилиши мумкин:

1. Агар E_p^s қ 0 бўлса, таклиф баҳо бўйича мутлоқ эластик ҳисобланади. Бунда таклиф эгри чизиги вертикал ҳолатда бўлади.
2. Агар E_p^s қ ∞ бўлса, таклифнинг баҳо бўйича абсолют эластиклиги кўзатилади.

Таклифнинг эластиклигига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1. Ресурслардан фойдаланиш тезлиги;
2. Вақт.

Одатда таклиф эластиклигига баҳо беришда учта даврий оралиқлар кўриб чиқилади, яъни ўта қисқа, қисқа ва ўзоқ.

Ўта қисқа давр шароитида таклиф мутлақо ноэластик бўлади, яъни $E_p^s = 0$. Бунда баҳонинг ошиши таклифга таъсир этмайди.

Қисқа давр шароитида ишлаб чиқариш қувватлари ўзгармайди ва таклиф бошқа омилларнинг таъсирида оша боради, яъни $0 < E < 1$.

Ўзоқ давр шароитида эса корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда тармоқдаги корхоналар сонининг ўзгариши кўзатилади. Шунинг учун, юқоридаги икки ҳолатга қараганда бу ерда таклифнинг эластиклиги юқори бўлади.

4 Мавзу. Бозорни давлат томонидан бошқарилиши.

1. Бозорни давлат томонидан бошқаришнинг зарурлиги.
2. Солиқлар ва дотациялар.
3. Қатъий белгиланган нархлар.

1. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг тутган ўрнига баҳо бермасдан бўлмайди. Бозорни давлат томонидан бошқаришнинг зарурлиги - нафақат алоҳида бозорларнинг тақомиллашмаганлиги (мувозанатнинг барқарор эмаслиги, ҳаражат ва даромадларни тула ҳисоб - китоб қилинмаслиги) натижасида, балки макроиқтисодий муаммоларни (инфляцияга қарши курашиш, ишсизлик муаммоси, иқтисодий самарадорлик ва социал адолат тамойилларини ўзаро бирлаштириш ва бошқалар) ечиш заруриятидан келиб чиқади.

Биринчи ўринда давлат томонидан иқтисодий фаолият юритиш қонун - қоидалари ўрнатилади ва иқтисодий субъектларнинг уларга амал қилишлари таъминланади.

Фараз қилайлик, бир корхона банкротга учради. Давлат қонунчилиги ушбу корхонага банклар ва бошқа кредиторлар, давлат бюджети, корхона маҳсулотларини истеъмолчилари, ёлланма ишчилар ва бошқалар томонидан билдириладиган даъволарни кўриб чиқиш йўл – йўриқларини белгилайди.

Ёки бўлмаса, бирор бир корхона ўз маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб бериш шартномасини бузди ва бу билан уларга иқтисодий зарар келтирди. Бу ҳолатда ҳам давлат қонунчилиги етказилган зарарни аниқлаш ва қоплашнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқади.

Айтайлик, хусусий мулк бўлган томорқа участкасидан нефт кони топилди. Ушбу нефт кимга тегишли бўлади? Ер участкаси эгасигами,

давлатгами, балки, нефт борлигини аниқлаган фирмагами? Давлат қонунчилиги бу саволларга ҳам жавоб беради.

Давлат қонунчилигининг, бошқариладиган ҳаётнинг муҳимлигини ифодаловчи кўплаб мисоллар келтириш мумкин, албатта.

Давлатнинг яна муҳим вазифаларидан бири – мамлакат пул системасини бошқаришдир. Пуллар массаси ҳажми (накд пуллар, накдсиз пуллар ва пул вазифасини бажарувчи кимматбаҳо коғозлар) давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим макроиқтисодий инструменти бўлиб ҳисобланади. Пуллар массаси ҳажмининг ортиқча ошиб кетиши баҳоларнинг кўтарилиши ва инфляцияга сабаб бўлади. Ёки аксинча, иқтисодиётда пулларнинг етишмаслиги иқтисодий инқирозга ва ишсизликнинг ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Барча мамлакатларда давлатнинг муҳим органларидан бири бўлган – Марказий банк пуллар массаси размери ва мамлакатнинг бутун банк системасини бошқаради.

Маълумки, монополист – ўз даромадини максимал даражага оширишга интилиб, одатда ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиради ва ўз маҳсулотининг баҳосини сунъий равишда оширади. Натижада, у жамиятга маълум миқдорда зарар етказади. Шунинг учун, антимонопол қонунлари ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш муҳим аҳамит касб этади.

Юқорида келтирилган мулохозалардан келиб чиқиб, иқтисодчи олимлар бозорнинг давлат томонидан оқилона бошқарилишини зарурлигини таъкидлайдилар. Бунда давлат бозорга унинг ўзининг қонунлари асосида таъсир қилиши ва бу билан уни бошқариб бориши лозим бўлади.

Ушбу прогрессив жараён – асосан баҳолар даражаси ва бозор ҳажмини бевосита назорат қилиш йўли билан (мажбурий давлат


баҳолари ва бозор квоталарини ўрнатиш орқали), молиявий инструментлардан (солиқлар ва дотациялар) фойдаланиш орқали ва бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилади.

2. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида мураккаб ва турли ҳил солиқлар системаси қўлланилади. Аҳоли томонидан давлат бюджетига даромад солиғи тулаб борилади. Корхоналар эса фойдадан солиқ тулайдилар. Шунингдек, мол – мулк солиғи, божхона тўловлари ва солиқ ҳамда тўловларнинг бошқа турлари қўлланилади.

Ушбу бўлимда билвосита солиқларнинг бозор мувозанатига таъсирини кўриб чиқамиз. Солиқларнинг ушбу гуруҳига собиқ Совет Иттифоқида қўлланилган оборотдан солиқ ёки Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларида жорий этилган акциз солиқини киритишимиз мумкин.

Одатда ушбу солиқлар давлат бюджетига бевосита сотувчилар томонидан тўланади, унинг билвосита тўловчилари бўлиб истеъмолчилар ҳисобланади. Солиқ ставкалари товар баҳосидан маълум фоиз билан ўрнатилади.

1 – чизмани кўриб чиқамиз. Айтайлик, ҳукумат томонидан келтирилган товарнинг ҳар бир бирлигига T сўмдаги солиқ жорий этилди. Фараз қилайлик, ушбу солиқ давлат бюджетига сотувчилар томонидан тўланади. Дастлаб, ушбу солиқ қўлланилмасдан олдин талаб – D_0 , ва таклиф – S_0 , шунингдек, мувозанат баҳоси – P_0 ва мувозанат савдо ҳажми эса – Q_0 ҳолатида эди.



Солиқнинг жорий этилиши натижаси таклиф чизигининг параллел равишда T кўрсаткичига қараб юқорига силжиши кўзатилади. Чунки, дастлаб ишлаб чиқарувчилар бозорга, айтийлик - Q_0 миқдордаги товарни чиқаришга рози эдилар, энди эса улар бозорга шу миқдордаги товарни унинг брутто - баҳоси (солиқлар билан биргаликда) - P_0 T сўмга юқори бўлса чиқаришга рози бўладилар. Ушбу шароитда, ишлаб чиқарувчилар дастлабки баҳога тенг бўлган нетто - баҳога (солиқларсиз) эга бўладилар. Ушбу мулохоза таклиф чизигининг ҳар қандай нуқтасига тааллуқлидир. Шунинг учун таклиф чизиги T сўмга юқорида жойлашади. Янги мувозанат учта кўрсаткичлар: - Q_1 , P_1 лар билан ҳарактерланади. Бунда, бозор ҳажми - Q_1 дастлабки ҳажмидан - Q_0 кичик бўлади. Ҳаридор томонидан тўланадиган баҳо - P_1 , дастлабки - P_0 ҳолатидан кичик бўлади.


Давлат бюджетига бутун солиқ сотувчилар томонидан ўланишига қарамасдан, унинг юкининг бир қисми ҳаридорларга тушади.

Умуман, бу ерда солиқларнинг ким томонидан (сотувчилар ёки ҳаридорлар) тўланиши аҳамиятга эга эмас. Иккала ҳолатда ҳам натижа бир ҳил бўлади, яъни товарлардан олинадиган солиқларнинг қўлланилиши натижасида мувозанатли бозор ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

Энди қўлай бозор конъюнктураси шароитида корхоналарда вужудга келадиган даромаднинг бир қисмини товарлардан олинадиган солиқлар ёрдамида давлат томонидан ўзлаштириш жараёнини кўриб чиқамиз. 2 - чизмада D_1D_1 - талаб чизигининг дастлабки ҳолати, ҳамда бир лахзадаги - IS_1 , қисқа ва узоқ даврлардаги - SS_1 , LS_1 таклиф чизиклари тасвирланган. Дастлабки мувозанат ҳолати

озорнинг мувозанатли ҳажми - Q_1 ва мувозанат баҳоси - P_1 билан ҳарактерланади.

Фараз қилайлик, товарга бўлган талаб кутилмаганда ошиб, талаб чизиги - D_2 D_1 ҳолатини эгаллади. Маълумки, баҳо бир лахзада ошиб, P_2 даражасига етади ва сўнгра ушбу товарни ишлаб чиқаришнинг ошиши билан пасая боради. Узоқ даврда баҳо P_3 даражасигача тушади ва сотиш ҳажми эса Q_3 ҳолатигача ошади. Талабнинг ошиши натижасида ушбу товарни ишлаб чиқарувчи корхонанинг фойдаси ҳам ошади. Маҳсулот бирлигида ҳисобланганда фойданинг ошиши $P_2 - P_1$ ни ташкил этади. Айнан, фойдалиликнинг ошиши, ушбу товарни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатлантиради.




2-чизма.

Ҳукумат жамият фикри босими асосида ушбу қўшимча фойдани товарлардан олинадиган солиқ ёрдамида ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Айтайлик, ҳукумат маҳсулот бирлигига $P_2 - P_1$ миқдорда товардан олинадиган солиқни жорий қилади. Натижада, бутун қўшимча фойда давлат бюджети ҳисобига ўзлаштирилади. Аммо, шу

билан бирга ушбу товарни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган рағбатлантиришлар йўқолади. қисқа ва узоқ даврлардаги таклиф чизиклари вертикал равишда юқорига – солиқ кўрсаткичига қараб силжийди ва мос равишда, SS_2 ва LS_2 ҳолатини эгаллайди. E_2 ҳам қисқа ва узоқ даврларда мувозанат нуқтаси бўлиб қолади. Бунда ишлаб чиқаришни ошириш кўзатилмайди. Ушбу ҳолатда бир томондан долат қарор топгандек бўлади, аммо охир оқибатда солиқнинг асосий қисми истеъмолчиларга келиб тушади.

Бозор мувозанатига давлатнинг дотациялар ёрдамида таъсирини кўриб чиқамиз. Дотация – бу бошқача қилиб айтганда тескари солиқдир. Товарга қўлланиладиган дотация – товар баҳосининг маълум фоизи ёки маҳсулот бирлигига ҳисобланадиган абсолют қиймат (сўмда) шаклида ўрнатилади. Маълум товарларни ишлаб чиқариш учун дотацияларни одатда ишлаб чиқарувчилар оладилар, аммо уларни бевосита истеъмолчилар ҳам олишлари мумкин.




3-чизма.

3 – чизмани кўриб чиқамиз. Айтайлик, дастлаб талаб ва таклиф чизиклари D_1D_1 ва S_1S_1 ҳолатда бўлсин. Мувозанатли савдо ҳажми - Q_1 ва мувозанат баҳоси эса - P_1 ни ташкил этсин.

Фараз қилайлик, ҳукумат томонидан ушбу товарни ишлаб чиқарувчиларга давлат бюджетидан маҳсулот бирлигига - V сўм миқдорда дотация ажратилди. Бу ҳолат таклиф чизигини V сўмга пастга силжишига олиб келади. Чунки, агар ишлаб чиқарувчилар илгари бозорга айтайлик, Q_1 миқдордаги товарни P_1 баҳо бўйича ишлаб чиқаришга рози бўлган бўлсалар, энди улар агар товарнинг баҳоси P_1 дан V сўмга паст бўлса, ушбу миқдордаги товарни бозорга таклиф қилишга рози бўладилар. Натижада, ҳаридорлар учун баҳо - P' гача пасаяди ва савдо ҳажми Q_2 гача ошади.

Демак, давлат дотацияларни қўллаш орқали таклиф ҳажмига таъсир этади.

3. Солиқ ва дотациялар билан биргаликда, давлат бозор механизмларига таъсир қилишда қўпол усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, давлат маълум товарларга қатъий нархларни белгилаши мумкин.



4-чизма.

4 - чизмани кўриб чиқамиз. Давлат қатъий баҳони мувозанат баҳосидан юқори ($P_1 > P_E$), ёки ундан паст ($P_1 < P_E$) даражасида ўрнатиши мумкин. Биринчи ҳолатда у таклифнинг кўпайишига - $\Delta S = Q'_S - Q'_D$, иккинчи ҳолатда эса дефицитига - $\Delta D = Q''_D - Q''_S$ олиб келади. Иккала ҳолатда ҳам савдо ҳажми - мувозанат ҳажмидан (Q_E) паст бўлади. Биринчи ҳолатда - Q'_D ва иккинчи ҳолатда эса - Q''_S бирликда маҳсулот реализация қилинади.

Мувозанат баҳосидан юқори қилиб ўрнатиладиган қатъий ҳолат, баъзи мамлакатларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўлланилади. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини рағбатлантириш учун амалга оширилади. Аммо, давлат факатгина қатъий баҳоларни белгилаш билангина чекланиб қола олмайди, чунки бартараф қилиниши лозим бўлган маҳсулотларнинг ортиқча қисми вужудга келади. Хукумат солиқ тўловчиларнинг пулига маҳсулотларнинг бутун ортиқча қисмини сотиб олишига тўғри келади. Аммо, бу билан муаммо тугалланмайди. Хукумат сотиб олинган маҳсулотларни ички бозорга кирита олмайди, чунки бу ҳолат ички бозорда баҳоларнинг пасайиб кетишига олиб келади. Бошқа мамлакатларга маҳсулотларни экспорт қилиш ҳам муаммони еча олмаслиги мумкин, чунки бу ҳолат ушбу мамлакатдан қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хусусий экспортининг қисқаришига ва яна ички баҳоларнинг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Хукуматнинг келажақда фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат захираларини оширишдан ёки маҳсулотларнинг талабдан ортиқча қисмини камайтириш учун қўшимча маъмурий усуллардан фойдаланишдан ўзга чораси қолмайди. Масалан, хукумат ҳар бир ишлаб чиқарувчининг экин майдонини чеклаши, уларни қисқартириш учун мукофотлар жорий этиши ва бошқа усулларни қўллаши мумкин. Бу ҳолат таклиф

ҳажмини пасайишига ва маҳсулотнинг ортиқча миқдорини қисқаришига олиб келади, албатта. Аммо, ушбу тадбирларни амалга ошириш – махсус маъмурий аппаратларни ташкил этишни талаб этади. Натижада, уни сақлаш учун, юқорида таъкидланган мукофотлар ва бошқалар учун давлат ҳаражатларининг кўпайиши кўзатилади. Шунинг учун, кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари озор мувозанатига таъсир этишда қатъий баҳоларни белгилаш ва маъмурий усуллардан фойдаланишни иқтисодий мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайдилар.

5 Мавзу. Ишлаб чиқариш функцияси.

1. Ишлаб чиқариш функцияси. Изокванта.
2. Бир ўзгарувчи омилли ишлаб чиқариш.
3. Икки ўзгарувчи омилли ишлаб чиқариш. Масштаб самараси.

1. Ишлаб чиқариш натижасида йўқ нарсдан маҳсулот яратилмайди. Ишлаб чиқариш жараёни турли ҳил ресурсларнинг истеъмоли билан боғлиқ. Ресурслар деганда ишлаб чиқариш фаолияти учун лозим бўлган барча воситалар, яъни хом-ашё, меҳнат, энергия, асбоб ва ускуналар, атроф муҳит ва бошқалар тушунилади. Демак, ишлаб чиқариш – бу ресурсларни маҳсулотларга айлантириш жараёнидир.

Корхона фаолиятига баҳо беришда – у ёки бу ҳажмдаги ресурслардан фойдаланиб, қанча миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқара олишини билиш лозим бўлади.

Корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулот миқдорининг у учун сарфланадиган ресурслар ҳаражати ҳажми билан боғлиқлиги - ишлаб чиқариш функцияси деб аталади.

Агар корхона x миқдорда ресурслар ҳаражат қилиб, (Q) миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарса, u ҳолда ишлаб чиқариш функцияси

$$Q = f(x) \quad (1)$$

ушбу кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик ўрнатади. Ишлаб чиқариш функциясининг ушбу кўриниши (1) ишлаб чиқариш ҳажмининг ягона ресурс ҳаражати билан боғлиқлигини ифодалайди.

Агар ишлаб чиқариш ҳажми (Q) истёъмол қилинадиган иккита (x_1 ва x_2) ресурслар ҳажми билан боғлиқ бўлса, унда ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича кўринишда бўлади:

$$Q = f(x_1, x_2) \quad (2)$$


Ушбу функцияларнинг таҳлили орқали ресурслар сонининг турли ҳил бўлиши мумкин бўлган – ишлаб чиқариш функциясининг умумий кўринишига келамиз:

$$Q = f(L, K)$$

Бу ерда: 1) L – меҳнат;

2) K – капитал;


Икки омилли ишлаб чиқариш функциясини график шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:



1-чизма. Ишлаб чиқариш функцияси
изоквантаси.

Айтайлик, ишлаб чиқариш функцияси меҳнат ва капитал ҳаражатларининг ўзаро боғлиқлиги билан ифодалансин. У ёки бу миқдордаги маҳсулотни ушбу ресурслар ҳаражатларининг турли комбинацияларида олиш мумкин. Мас., фойдаланиладиган машиналар сонини камайтириш мумкин (яъни, кам капитал ҳаражатлари билан кифойланиш), аммо, бу ҳолатда меҳнат ҳаражатларини ошириш лозим бўлади. Ёки, аксинча, у ёки бу жараёнларни механизациялаштириш ва машиналар сонини кўпайтириш орқали меҳнат ҳаражатларини камайтириш мумкин. Агар, барча шундай ҳолатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган энг юқори маҳсулот ҳажми доимий (ўзгармас) бўлса, унда ушбу ресурслар ҳаражати комбинацияларини бирлаштирувчи Q эгри чизиги - ишлаб чиқариш функциясининг *изоквантаси* дейилади. Изокванта сўзи грекча «izo» - бир ҳил ва латинча «quantum» - нечта, канча маъносини англатувчи сўзлардан олинган. Яъни, изокванта - бир ҳил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таъминловчи ресурслар ҳаражатининг турли комбинацияларини билдиради.

Бошқа даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаб, биз худди ўша маҳсулот ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш функциясининг бошқа изоквантасига эга бўламиз. Турли баландликдаги бир қатор кесмаларни амалга ошириб, кенг тарқалган икки аргументли ишлаб чиқариш функциясининг графикдаги тасвирига - изокванталар картасига эга бўламиз. (2 - чизма).



2.чизма.

Бу ерда Q_1 ; Q_2 ; Q_3 - изокванта карталари ҳисобланади. Изоквантанинг бир нуқтадан иккинчи нуқтага ўтишида битта ресурснинг ҳаражати камайса, шу вақтнинг ўзида иккинчи ресурснинг ҳаражати ошади. Шунинг учун маҳсулот чиқариш ҳажми ўзгаришсиз қолади, яъни бу ерда ресурсларнинг бирини иккинчиси билан қоплаш (ўрнини босиш, тулдириш) ҳолати содир бўлади ва у ресурсларни технологик қоплашнинг чегаравий нормаси (MRTS) деб юритилади. У қуйидагига тенг бўлади, яъни:

$$MRTS = - \Delta K / \Delta L.$$

2. Қисқа давр (SR) мобайнида ишлаб чиқариш омилларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қатъий бўлади.

Айтайлик, капитал (K) – доимий омил, меҳнат (L) эса - ўзгарувчи омил. Битта ресурс ўзгарувчи бўлган шароитда эса, қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

- ялпи маҳсулот - TP_L ;
- ўртача маҳсулот - AP_L ;
- чегаравий маҳсулот - MP_L .

Меҳнат ресурсининг ўртача маҳсулоти (AP_L) деб, ялпи маҳсулот (TP_L) ҳажмининг меҳнат ресурси (L) ҳажмига нисбатига айтилади, яъни

$$AP_L = TP_L / L;$$

Масалан, агар корхона бир ойда 5 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарса ва меҳнат ҳаражатлари - 25 минг киши/соат бўлса, у ҳолда меҳнат ресурсининг ўртача маҳсулоти - $5000/25000 = 0,2$ дона киши/соат бўлади.


Ушбу кўрсаткичлардан меҳнат ҳаражатлари ҳажми ўзгариши натижасида маҳсулот чиқими қандай ўзгаришини билиб бўлмайди. Агар меҳнат ҳаражатлари ошиши натижасида маҳсулот чиқими ҳам ортса (бошқа ресурслар ҳаражатлари ўзгармас бўлса), унда ишлаб

чиқаришнинг ўсиши - ушбу ресурсга қўшимча ҳаражатнинг нисбати билан ифодаланади. Ушбу нисбат чегараси - чегаравий маҳсулот деб юритилади, яъни

$$MP_L = \Delta TP / \Delta L;$$

Масалан, юқорида келтирилган мисол шаронтида, айтилик, ишчилар сони бир мунча ошса, натижада 1 ойга меҳнат ҳаражатлари - 26000 киши/соат бўлса ва дейлик паркни жихозлаш, хом-ашё ҳаражатлари, энергия ва шунга ўхшаш ресурсларнинг аввалги ҳолатида 1 ойдаги маҳсулот чиқими - 5100 дона маҳсулот бўлса, у ҳолда чегаравий маҳсулот, тахминан - $(5100-5000)/(26000-25000) = 0,1$ дона киши/соатга тенг бўлади.

Ўртача маҳсулот ҳам, чегаравий маҳсулот ҳам доимий бўлмайди, улар барча ресурслар ҳаражатиининг ўзгариши билан ўзгариб туради. Ишлаб чиқаришнинг барча турларига хос бўлган ушбу умумий қонуният - чегаравий маҳсулотнинг пасайиб бориш қонуни номини олган, яъни колган ресурслар ҳаражатиининг доимийлиги шаронтида хоҳлаган бир ресурс ҳаражати ҳажмининг ўсиши билан ушбу ресурснинг чегаравий маҳсулоти пасаяди. Ушбу ҳолат 3- чизмада тасвирланган.



Бундан ташқари, кўпчилик ресурсларнинг техник тавсифи шундан иборатки, улардан кўплаб ҳажмда фойдаланиш натижасида маҳсулот чиқими ошмайди, балки камаёди, яъни чегаравий маҳсулот манфий бўлади. Ушбу жараёнларни ҳисобга олиб, учта қисмга бўлинган ишлаб чиқариш функциясининг графиги қуйидаги кўринишга эга бўлади (36-чизма).

Бунда:

- 1) Агар $MP_L > AP_L$ бўлса, унда AP_L усади;
- 2) Агар $MP_L < AP_L$ бўлса, унда AP_L пасаяди;
- 3) Агар $MP_L = AP_L$ бўлса, унда $AP_L = \max$. бўлади.

3. Корхона фаолиятида узоқ муддатли давр (LR) барча жалб қилинадиган ресурсларнинг ўзгариши учун етарли ҳисобланади. Шунинг учун узоқ муддатли даврда барча ишлаб чиқариш омиллари ўзгарувчан бўлади.

Корхонанинг узоқ муддатли стратегиясини икки аспектда кўриш мумкин:

I. К ва L бир вақтда ўзгаради, лекин турли йуналишларда. Бу ҳолат изокванта орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш функцияси ўзгармас ($Q = \text{const.}$) бўлса, меҳнатнинг ҳар бирлиги ўрнини қоплаши мумкин бўлган капитал миқдорини - ресурсларни техник қоплашнинг чегаравий нормаси (MRTS) белгилайди.


MRTS ишлаб чиқариш омилларининг (К ва L) чегаравий маҳсулотига боғлиқ бўлади. Меҳнатнинг чегаравий маҳсулоти канча кўп бўлса, капитални қоплаш учун у шунча кам керак бўлади. Яъни, MRTS билан ишлаб чиқариш омилларининг чегаравий маҳсулотлари ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд:

$$MRTS = \Delta K / \Delta L = MP_L / MP_K.$$

II. K ва L бир вақтда ўзгаради, аммо бир ҳил йўналишда. Ишлаб чиқариш омилларининг ошиши билан маҳсулот чиқими ҳажми ўртасидаги боғлиқлик – масштаб самараси билан тавсифланади.:

- 1) Ижобий масштаб самараси – бунда маҳсулот чиқими ҳажми ресурслар ҳаражатига қараганда тезроқ ошади;
- 2) Доимий масштаб самараси – бунда маҳсулот чиқими ҳажми ресурслар ҳаражати билан тенгма - тенг ошади;
- 3) Салбий масштаб самараси – бунда маҳсулот чиқими ҳажми ресурслар ҳаражатига қараганда секинроқ ошади;

Масштаб самарасини графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



4-чизма.

Изокванталар бир бирига қанча яқин бўлса, шунча кўп ижобий масштаб самараси намоён бўлади. Эгри чизиқлар ўртасидаги муқаррар масофа доимий масштаб самарасини ҳарактерлайди. Изокванталар бир биридан қанча узоқ бўлса, салбий масштаб самараси шунча кўп бўлади.

Демак, қисқа муддатли даврда (SR) корхона учун ишлаб чиқариш омилларининг (K,L) оптимал мутаносиблигини топиш муҳим бўлса, узоқ муддатли даврда (LR) корхона учун зарур бўлган фаолият масштабини танлаш масаласи ечилади.

6 Мавзу. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва фойда.

1. Ҳаражатлар ва фойда.
2. Корхонанинг қисқа давр ҳаражатлари.
3. Узоқ давр мобайнида ҳаражатлар функцияси.
4. Изокоста. Ишлаб чиқарувчи мувозанати.

1. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари (С) – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган барча сарф – ҳаражатлар йиёғиндисидир.

Авваламбор, ҳаражатларни ҳисоблашда иқтисодчи ҳисобчига қараганда бошқача ёндашади. Ҳисобчи – ҳаражатларни ишлаб чиқариш омиллари ҳарид қилиш учун сарфланган корхонанинг ҳақиқий ҳаражатлари сифатида аниқлайди. Улар бухгалтерия ҳаражатларида расмийлаштирилади ва ташқи ҳаражатлар шаклига га бўлади.

Ташқи ҳаражатлар – бу четдан олинган ресурслар учун амалга оширилган пул тўловларидир. Бунга ёлланма ишчилар учун меонат ҳақи; хом-ашё ва материаллар учун сарфлар; транспорт, молиявий ва юридик хизматлар учун тўловлар ва бошқалар киради. Буни бухгалтерия ҳаражатлари ($C_{бух}$) деб ҳам юритилади.

Иқтисодчи ишлаб чиқариш ҳаражатларига нафақат ресурсларни ҳарид қилиш учун сарфланган ташқи ҳаражатларни, балки корхонанинг ўзининг ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган - ички ҳаражатларни ($C_{ички}$) ҳам киритади. Ушбу ҳаражатлар ташқи ҳаражатлардан фарқ қилиб, бухгалтерия ҳисоботларида ёритилмайди. Уларга ўз капитал фоиизи, ижара тўловлари, тадбиркорнинг менежерлик фаолияти учун тўловларни киритиш мумкин. Демак,

$$C_{ишг} = C_{бух} + C_{ички}.$$

Фойда (π) – бу корхонанинг ўз маҳсулотларини сотишдан келган пул тушуми (TR) билан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг (C) фарқидан иборат, яъни:

$$\pi = TR - C.$$

Бунда: $TR = P \cdot Q$;

Бухгалтерия фойдаси – бу корхонанинг ялпи даромади (TR) билан ташқи ҳаражатларининг фарқидан иборат:

$$\pi_{\text{бух.}} = TR - C_{\text{бух.}}$$

Иқтисодий фойда – бу корхонанинг ялпи даромади (TR) билан ташқи ҳаражатларининг фарқидан иборат:

$$\pi_{\text{икт.}} = TR - C_{\text{икт.}}$$

Бундан шу нарса келиб чиқадики, бухгалтерия фойдаси иқтисодий фойдадан катта бўлади, яъни: $\pi_{\text{бух.}} > \pi_{\text{икт.}}$.


Нормал фойда – бу тадбиркорнинг ўз ишини давом эттириши учун олиши лозим бўлган зарурий минимал даромаддир.

Агар $\pi_{\text{икт.}} = 0$ бўлса, бу ҳолат тадбиркорнинг ўз фаолият доирасида ҳаракат қилишини таъминлайдиган нормал фойдага эга бўлишини билдиради.

2. Ҳаражат кўрсаткичларини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми билан боғлиқлиги жихатидан ҳаражатларни қуйидаги туларга ажратадилар:

1. Доимий ҳаражатлар (FC) – улар маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.
2. Ўзгарувчан ҳаражатлар (VC) – ушбу ҳаражатлар маҳсулот ҳажми ўзгариши билан ўзгариб боради.
3. Ҳамаи ҳаражатлар (TC) – бу корхонанинг барча ишлаб чиқариш ва реализация ҳаражатларининг йиғиндисидан иборат, яъни:

$$TC = FC + VC.$$




1-чизма.

Буида ишлаб чиқарувчини маҳсулот бирлиги учун сарфлаган ўртача харажатлар кўрсаткичи кизиктиради.

Ўртача доимий харажатлар:


$$AFC = FC/Q.$$



2- чизма

Ўртача ўзгариувчан харажатлар:

$$AVC = VC/Q$$



3-чизма.


Ўртача жами харажатлар: $ATC = TC/Q$ $ATC = AFC + AVC.$

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришни ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар – чегаравий ҳаражатлар деб юритилади, яъни:

$$MC = \Delta TC / \Delta Q = \Delta VC / \Delta Q,$$

чунки, $\Delta TC = FC + \Delta VC$, $FC = \text{const}$.


Ўртача ва чегаравий ҳаражатларнинг ўзаро боғлиқлигини графикда (5,2,4) тасвирлаймиз:



- Агар $MC < AVC$ ва $MC < ATC$ бўлса, AVC ва ATC камаяди;
- Агар $MC > AVC$ ва $MC > ATC$ бўлса, унда ўртача ҳаражатлар ошади;
- $MC = ATC = AVC$ бўлса, ушбу ҳолат ўртача ва ўртача ўзгарувчан ҳаражатларнинг минимум нуқтасида кўзатилади.

3. Узоқ муддатли давр (LR) шароитида корхона ўзининг барча ресурсларини ўзгартириши мумкин бўлади, шунинг учун барча ишлаб чиқариш омиллари ўзгарувчан бўлади. Бунда корхонанинг мақсади ўртача ҳаражатларни (AC) пасайтирган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини (Q) ошириб боришдан иборат бўлади.

Қисқа ва узоқ давр ҳаражатларининг ўзаро боғлиқлиги:



Узоқ давр ҳаражатлари эгри чизиги (LAC) – эгилувчи қисқа давр ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатларининг эгилувчи чизигини ифодалайди ва масштаб самарасини кўрсатади.

Ижобий масштаб самараси - AC кесимида тескари эгилиш билан намоён бўлади.

Доимий масштаб самараси LAC эгри чизигининг горизонтал қисмига мос келади. Тескари масштаб самарасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ошади ва LAC эгри чизиги юқорига талпинади.

Узоқ давр чегаравий ҳаражатлар эгри чизиги MC (LMC) - чегаравий ҳаражатларнинг барча қисқа давр эгри чизиклари учун эгилувчи бўлмайди.


LMC - бу ишлаб чиқарувчининг корхона ҳажмини ўзгартириш имкониятига эга бўлган шароитида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ошишидир.

- Агар $LMC < LAC$ бўлса, камаяди;
- Агар $LMC > LAC$ бўлса, ошади;
- $LMC = LAC$ бўлади, агар $LAC = \min$ бўлса.

4. Ҳаражатлар даражаси ҳақидаги информация изокосталарни (тенг ҳаражатлар чизикларини) ясаш имкониятини беради.

Изокоста - бу барча нуқталари ишлаб чиқариш омиллари билан тенг ялпи ҳаражатларнинг ўзаро мослигини ифодаловчи чизикдир.

Изокостанинг графикда тасвирланиши.



6- чизма.

Бу ерда:

- 1) P_L - меҳнат баҳоси;
- 2) P_K - капитал баҳоси.


Изокоста - манфий ишора билан олинган ($- P_L/P_K$) ишлаб чиқариш омиллари баҳолари муносабатларига тенг бўлган - бурчакли коэффициентга эга. У

изокостанинг қуйидаги тенглигидан келиб чиқади:

$$K = TC/P_K - (P_L / P_K) L.$$

Изокостадан ишлаб чиқариш омилларининг қандай таркиби энг кам ялпи ҳаражатлар (ТС) билан маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашини аниқлашда фойдаланилади.

Ишлаб чиқарувчининг мувозанатини ифодаловчи (ϵ) нуқтада изокостанинг изокванта билан учрашиши – ушбу муаммонинг ечимини ҳарактерлайди.



7- чизма.

ϵ - нуқтада изокванта ва изокосталарнинг эгилиш бурчаклари бир ҳил бўлади, яъни:

$$MRTS = - P_L / P_K \text{ ёки}$$

$$\Delta K / \Delta L = P_L / P_K.$$

Чунки, $\Delta K / \Delta L = MP_L / MP_K$, демак эиш мумкинки, $MP_L / MP_K = P_L / P_K$ ёки $MP_L / P_L = MP_K / P_K$. Бу шуни англатадики, ϵ нуқтада 1 сўм ҳаражат ҳисобига олинган ишлаб чиқариш омилларининг чегаравий маҳсулотлари тенг бўлади.

7 Мавзу. Мукамал рақобат шароитида таклиф.

1. Бозор таркиби тушунчаси ва унинг асосий қоидалари.
2. Мукамал рақобатли бозор модели. Рақобатчи корхона маҳсулотларига бўлган талаб.
3. Рақобатчи корхонанинг фойдани максималлаштириши ва қисқа даврдаги таклифи.

4. Узоқ даврдаги рақобатли мувозанат ва товарлар таклифи.

1. Бозор таркиби - бу корхоналарнинг фаолиятига таъсир этувчи бир неча омиллар мажмуасидир.

Бозор таркиби учта асосий омил томонидан ифодаланади:

- 1) Тармоқдаги корхоналар сони ва уларнинг ҳажми;
- 2) Корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури (бир ҳил ёки дифференциаллашган).
- 3) Бошқа корхоналарнинг тармоққа кириш ва ундан чиқиш имкониятлари.

Юқорида кўрсатилган омилларга қараб бозор таркиби тўртта асосий типга гурухланади:

- мукамал рақобат;
- соф рақобат;
- монопол рақобат;
- олигополия.

Корхонанинг қайси бозор таркибида фаолият юритишидан қатъий назар, у ўзи учун иккита муҳим масалани ечиши лозим бўлади:

- 1) Ўз йўлида қолиб фаолиятини давом эттириш ёки фаолиятини тўхтатиш;
- 2) Агар йўлида қолса, унда қандай ҳажмда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш лозим?

Биринчи масала зарар кўриб ишлаётган корхона учун нихоятда муҳимдир, агар унинг маҳсулотларни сотишдан олган даромадлари - жами ҳаражатларидан кичик бўлса, яъни $TR < TC$. Ушбу корхона учун асосий мақсад - зарарни минималлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Агар корхона ўз фаолиятини тўхтатадиган бўлса, унинг зарарлари доимий ҳаражатларининг (TFC) йиғиндисига тенг бўлади. Шунинг учун, агар $(TR - TC) > TFC$ бўлса, корхона учун ишлаб чиқаришни

давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу ҳолат зарар минималлаштиради. Агар $(TR - TC) < TFC$ бўлса, корхона ушлаб чиқаришни тўхтатиб ва ўз мажбуриятлари бўйича ҳисоб китоб қилиб, ўз фаолиятини тугатиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Ўз фаолиятини тугатиш (банкротлик) шарти шундан иборат: агар ўзгарувчан ҳаражатлар (TVC) маҳсулотларни реализация қилишдан олинган даромад (TR) билан қопланмаса, унда корхона фаолиятини тугатиши лозим, чунки $TR < TVC$. Тенгсизликни иккала томонини Q га бўлиб, фаолиятни тугатиш қондасининг ўзгариш кўринишига эга бўламиз, яъни:

$$TR/Q < TVC/Q = P < AVC.$$

Ўз фойдасини максималлаштирувчи корхона учун, иккинчи масала долзарб ҳисобланади, чунки унда - $TR > TC$. Бу ҳолатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш (Q) - қўшимча даромадларнинг (MR) қўшимча ҳаражатларга (MC) нисбатан тезроқ ўсишини таъминлашга қадар, корхона ишлаб чиқаришни ошириб боради. Қачонки, $MC = MR$ бўлса, корхона - ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмига эга бўлади.

2. Мукамал рақобат - бир ҳил маҳсулотларнинг кўпчилиги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган бозор таркибини бўлишligини такозо этади. Унда хўжалик субъектларининг тармоққакиришлари ёки ундан чиқишлари чегараланмайди. Ҳар бир корхонанинг бозор таклифи ҳажмидаги улуши сезиларсиз даражада бўлади, шунинг учун улардан ҳеч бири маҳсулотларнинг бозор баҳосига таъсир эта олмайди. Аксинча, корхонанинг ўзи бозорда вужудга келиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан қўчиб, оғохликда фаолият юритишга мажбур бўлади.

Рақобатчи корхонанинг маҳсулотига бўлган талаб графиги - горизонтал чизиқдан иборат бўлади.




1- чизма

Корхонанинг ўртача даромади (AR) ва унинг қўшимча даромади (MR) маҳсулотнинг бозор баҳосига тенг бўлади. Ўртача ва қўшимча даромад графиклари талаб графиги билан мос тушади. Жами даромад (TR) савдо ҳажмининг ошишига қараб ошиб боради.

3. Фойдани максималлаштириш ҳолатига икки ҳил ёндашув мавжуд:

I. Мукамал рақобат шароитида корхона ўз фойдасини максималлаштиради ёки зарарни минималлаштиради. У шундай ишлаб чиқариш ҳажмини танлайдики, натижада, унинг қўшимча даромадлари билан қўшимча ҳаражатлари ўзаро тенг келади ($MR = MC$). Қачонки, баҳо (P) ўртача ўзгарувчан ҳаражатлардан юқори бўлса, яъни $P > AVC$.



2- чизма


2- графикдаги ϵ нуқта - бу ишлаб чиқаришнинг оптимал нуқтаси ҳисобланади.

- Агар $Q > Q^*$ бўлса, унда $MC > MR$ бўлади ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш самарасиз ҳисобланади;

- Агар $Q < Q^*$ бўлса, унда $MR > MC$ бўлади, бу эса ишлаб чиқаришни оширишга рағбатлантиради;

- ϵ нуқтада $MC = MR = P$ ёки $MC = P$ бўлади.

II. Иккинчи ёндашув шундан иборатки, бунда корхона ишлаб чиқаришининг турли ҳажмларидаги ялпи ҳаражатлари (TC) билан ялпи даромадлари (TR) таққосланади ва TR и TC ларнинг ўзаро фарқи - қачон максимал даражада бўлган варианты танланади, яъни қачон максимал даромад ҳажмига эришилганлиги аниқланади.




6,3,2 чизмада F_1 гача ва F_2 дан сўнг - $TC > TR$ бўлади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш зарарли ва шунинг учун мақсадга мувофиқ бўлмайди. $F_1 - F_2$ - фойдалилик зонаси ҳисобланади.

Q^* - нуқтаси бир бирдан узоқлашган TR ва TC графиклари нуқталарига мос келади, уларнинг фарқи, яъни $TR - TC$ қ шах. бўлади.

Q^* - ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажми ҳисобланади.

Рақобатчи корхонанинг қисқа муддатли даврдаги таклифи.



Бозорда қандай баҳо ўриятилмасин, рақобатчи корхона ҳар доим ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмига эришини ҳаракат қиладики, унда $MC = P$ бўлсин.

- А нуқтада - корхона ишлаб чиқаришни тўхтатмайди, чунки $P_1 < AVC$, шунинг учун таклиф 0 га тенг.

- В нуқтада - корхона ўз имкониятлари доирасида фаолият юритади, чунки $P_2 = AVC$ ни аранг қоплайди.

- С нуқтада - корхона зарарни минималлаштиради, чунки $AVC < P_3 < ATC$. Зарар даражаси қуйидагига тенг: $\pi = (TR/Q - TC/Q) \cdot Q = (P - ATC) \cdot Q$.


- D нуқтада - корхона ўзин ўзи таъминлаш тартибида фаолият юритади, чунки $P_4 = ATC$.

Е нуқтада - корхона фойдани максималлаштиради, чунки $P_5 > ATC$.

Рақобатчи корхонанинг қисқа муддатли даврдаги таклиф эгри чизиги - AVC эгри чизигининг минимум нуқтасидан юқорида ётувчи MC эгри чизигининг усувчи қисми билан мос тушади.

4. Узоқ давр мобайнида олинадиган фойда истиқболда янги корхоналарни ўзига жалб этади, зарар эса корхоналарни тармоқдан чиқиб кетишга мажбур этади. Натижада, маҳсулотнинг бозор баҳоси - типик корхонанинг ўртача минимал ҳаражатлари (LAC) даражасида ташкил топади. Тармоқдаги барча корхоналарнинг иқтисодий фойдаси - 0 га тенг бўлади ва улардан ҳар бири шундай ишлаб чиқариш ҳжмини танлайдики, унда $P = LAC = LMC$ шarti бажарилади.

Графикда у қуйидагича акс этади:



ε - нуқтаси - узоқ даврдаги рақобат мувозанати нуқтаси ҳисобланади.

8 Мавзу. Соф монополия шароитида баҳо ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш.

1. Соф монополияга асосланган бозор модели.
2. Соф монополистнинг чегаравий даромади эгри чизиғи.
3. Қисқа муддатли даврда соф монополист томонидан фойдани максималлаштириш жараёни. Узоқ муддатли монопөл мувозанати.

1. Монополия – бу ишлаб чиқариш, савдо – сотиқ ва бошқа фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқининг якка шахс, маълум шахслар гуруҳи ёки давлатга тегишли бўлишидир.

Соф монополия – бу бозор таркибининг шундай турики, унда корхона бирор бир маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Соф монополиянинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- 1) «корхона» ва «тармоқ» тушунчалари бир бири билан мос тушади;
- 2) ҳаридорлар танлаш имкониятига эга бўлмайдилар;
- 3) соф монополист - товар ишлаб чиқаришнинг бутун ҳажмини назоратга олиб, баҳони бошқариш ва уни ҳоҳлаган йўналишга ўзгартириш имкониятига эга бўлади;
- 4) монополист маҳсулотига бўлган талаб эгри чизиғи классик кўринишга эга бўлади ва у бозордаги талаб эгри чизиғига мос келади;
- 5) соф монополия - рақобатдан кучли «кириш тўсиқлари» билан ҳимояланган бўлади.

Тармоққа кириш тўсиқлари – бу янги корхоналарнинг тармоққа кириш йўлидаги мавжуд бўлган қаршиликлардир.


Барча тўсиқлар икки турга бўлинади:

- 1) табиий тўсиқлар – улар иқтисодий сабабларга кўра пайдо бўлади (ишлаб чиқариш масштабидан тежамкорлик, энг муҳим ресурслар устидан назорат);
- 2) сунъий тўсиқлар – улар институционал йўл билан ташкил этилади, масалан, ҳукумат фаолияти натижасида (патентлар, лицензиялар ёки монополистнинг гирром ҳаракатлари).

Умуман, соф монополия – бу мукамал рақобатнинг акси бўлган бозор таркибининг шаклларида биридир.

2. Соф монополия маҳсулотига бўлган талаб эгри чизиги тескари бурилишга эга, шунинг учун корхона ишлаб чиқариш ҳажмини назоратга олиб, баҳога таъсир этиши мумкин. Товар баҳосига таъсир этиш имконияти - монопол ҳокимият деб аталади. Ҳудудий монополия шароитида қўшимча товар бирлигини сотиш исобига олинадиган чегаравий даромад (MR), унинг баҳосига (P) нисбатан паст бўлади, яъни – $MR < P$. Чегаравий даромад графиги талаб эгри чизигидан пастдан ўтади (11-чизма).

Талабнинг баҳоли эластиклиги, монополиянинг жами даромади (TR) ва чегаравий даромади (MR) ўртасида боғлиқлик мавжуд.



1-чизма

Агар, талаб эластик бўлса, MR – ижобий бўлади ва жами даромад ошади.


-Агар талаб ноэластик бўлса, $MR < 0$

ва жами даромад (TR) камаяди.

- Агар талаб ягона эластикликка эга бўлса, $MR = 0$, TR – эса максимал бўлади.

Демак, монополист, талаб эгри чизигининг эластик қисми билан маҳсулот чиқимини чегаралайди.

3. Монополист фойдасини максималлаштирувчи маҳсулот чиқими ҳажми (Q_m) қуйидаги қоида бўйича аниқланади, яъни: $MR = MC$. Ундан сўнг баҳо (P_m) ўрнатилади.



2- чизма.

Монопол фойдани аниқлаш учун баҳо (P_m) билан умумий ўртача ҳаражатларнинг (ATC) ўзаро мувофиқлигини билиш лозим.

- Агар $P_m > ATC$ бўлса, монополист фойдага эга бўлади ($\pi = (P - ATC) \cdot Q$) ва уни максималлаштиради;
- Агар $AVC < P < ATC$ яъни, баҳо ўртача ўзгарувчан ҳаражатлардан (AVC) катта бўлиб, умумий ўртача ҳаражатлардан (ATC) кичик бўлса, монополист зарар кўради ва уни минималлаштириш орқали ишлаб чиқаришни давом эттиради;
- Агар $P = ATC$ бўлса, монополист барча иқтисодий ҳаражатларни тўла қоплайди, лекин иқтисодий фойдага эга бўлмайди.

Агар монопол корхона ўз назорати остидаги тармоққа бошқа янги корхоналарнинг кирмаслигини таъминлаб тура олган тақдирдагина, у узоқ муддатли даврда мувозанатни ушлаб тура олади. Шунинг учун кириш тўсиқларидан фойдаланиб, соф монополия - узоқ муддатли даврда ҳам иқтисодий фойдага эга бўлиши мумкин.

9 Мавзу. Баҳоли дискриминация. Монопол ҳокимият.

1. Баҳоли дискриминация тушунчаси, шартлари ва оқибатлари;
2. Монопол ҳокимият тушунчаси, кўрсаткичлари ва омиллари;
3. Монопол ҳокимиятнинг социал баҳоси;
4. Соф монополияни давлат томонидан бошқариш.

1. Баъзи ҳолатларда соф монополия баҳоли дискриминацияни - яъни ҳар ҳил ҳаридорлар учун бир ҳил сифат ва ҳаражатлар даражасига эга бўлган товарларга турли ҳил баҳоларни ўрнатишни амалга ошириши мумкин.

Баҳоли дискриминацияни амалга ошириш шартлари қуйидагилардан иборат:


- 1) Истеъмолчининг ҳарид қилган товарини қайта сота олмаслиги;
- 2) Ушбу товарнинг барча истеъмолчиларини уларнинг тўловга тайёрилиги жиҳатидан гуруҳларга ажратиш мумкинлиги.

Агар корхона, ҳаридорнинг ҳар бир товар учун қандай максимал баҳони тўлашга тайёрилигини билса, унда ушбу ҳолатни - мукамал (ёки идеал) баҳоли дискриминация дейилади.

Баҳоли дискриминациянинг оқибатлари:


- 1) Юқори ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилади;
- 2) Истеъмолчи ҳисобига сотувчининг даромади кўпаяди;
- 3) Жамият фаровонлиги ошади, чунки товар истеъмолчиларнинг катта қисмига мансуб бўлади.

Баҳоли дискриминациянинг графикли таҳлили. ($MC = \text{const.}$ ҳолатида).



Монополиясиёсати

1-чизма.



Баҳоли дискриминациясиёсати

2-чизма

1 - чизмадан кўриниб турибдики, монополистнинг фойдаси - I тўғри бурчакли тўртбурчакнинг юзига тенг; штрихланган учбурчак бу истеъмолчиларнинг ортиқча даромадлари; II - учбурчакнинг монопол баҳо натижасида жамиятнинг кайтмайдиган йўқотишлари.

Баҳоли дискриминация сиёсатига ўтиш (2 - чизма) шундан англатадики, унда $MR=P$ ва MR графиги талаб графиги билан кушилган бўлади. Истеъмолчининг барча излишкалари сотувчига утади ва унинг даромадларини оширади. (8,1,2 - чизмадаги I учбурчак юзи). Бозордаги истеъмолнинг кенгайиши ҳисобига ($Q'_m > Q_m$), жамиятнинг кайтмайдиган йўқотишлари ҳам йўқолади.

Баҳоли дискриминация систематик ёки маълум вақтли ҳарактерга эга бўлиши мумкин. Аммо, исталган ҳолатда, монополист ўз товарига бўлган талаб эластиклигини ҳисобга олади. Баҳоли дискриминация объекти бўлиб, асосан кам эластикли товарлар ҳисобланади.

2. Монопол ҳокимият - бу кохонанинг ўз товари баҳосига, бозорда сотиладиган ушбу товарлар миқдорини ўзгартириш орқали таъсир эта олиш қобилиятидир.

Соф монополия - одатда ҳақиқий монопол хокимиятга эга бўлади.

Монопол хокимият даражаси – агар бозорда бир эмас, балки бир нечта ушбу маҳсулот ишлаб чиқарувчилари фаолият ҳаракат қилса, қиёсий ҳарактерга эга бўлади.

Монопол хокимиятнинг зарурий предпосилкаси корхона маҳсулотининг пастга қараб букилган талаб эгари чизиғи ҳисобланади.

Монопол хокимиятнинг миқдорий тавсифи учун қуйидагилардан фойдаланилади:

1) Лернер монопол хокимияти кўрсаткичи (L) - у товар баҳоси даражасининг уни ишлаб чиқариш чегаравий ҳаражатлари даражасидан юқорилигини кўрсатади, яъни, $L = (P - MC)/P$. Агар $0 < L < 1$ бўлиб, бунда - L канча кўп бўлса, корхонанинг монопол хокимияти шунча кучли бўлади.

2) Монопол хокимияти индекси (M) - у товар баҳоси даражасининг узоқ муддатли ўртача ҳаражатлардан юқорилигини кўрсатади, яъни, $M = (P - LAC)/P$;

3) Херфиндал – Хиршман индекси - у бозорнинг концентрация даражасини ифодалайди: $H = P_1^2 + P_2^2 + \dots + P_n^2$, бунда H - концентрация кўрсаткичи, P_n - корхонанинг бозордаги фойзли улуши ёки тармоқ таклифидаги хиссаси. Концентрация кўрсаткичининг максимал даражаси – 10000 га тенг. Агар $H < 1000$ бўлса, унда бозор концентрациялашмаган дейилади. Агар $H \geq 1800$ бўлса, тармоқ юқори даражада монополлаштирилган дейилади.

Монопол хокимиятнинг қуйидаги омиллари мажуд:

1. Корхонанинг бозор таклифидаги улуши;



2. Монопол хокимиятга эга бўлган корхона томонидан чиқариладиган товарга яхши ўринбосар товарнинг мавжуд эмаслиги;
3. Бозор талабининг эластиклиги. Корхона товарига бўлган талаб эластиклиги қанчалик кичик бўлса, ушбу корхонанинг бозордаги монопол хокимияти шунчалик кучли бўлади.

3. Социал баҳо – бу монопол хокимиятнинг ҳукм суриши натижасида бутун жамиятга етказиладиган зарарлар ва йўқотишлардир.

Соф монополия ва мукамал рақобатга асосланган бозорлардаги маҳсулотлар таклифининг ҳажми ва баҳоларини барча бошқа шартларнинг тенглигини ҳисобга олган ҳолда таққослаймиз.

Рақобатли бозорда. (3- чизма).

Ушбу бозорда товарларнинг баҳоси чегаравий ҳаражатлар ҳажмига тенг бўлади, яъни $P = MC$. Штрихланган A – учбурчак истеъмолчининг ортиқча даромади. B – учбурчак эс. сотувчининг ютуғи.



Соф монополли бозорда, (4-чизма). Ушбу бозорда товарнинг баҳоси чегаравий ҳаражатлар ҳажмидан юқори бўлади, яъни $P > MC$.

Бу ҳолатда истеъмолчини ортиқча даромадининг бир қисми йўқотилади ва сотувчининг ютуғи ошади. «D» и «MC» графиклари

Бошқарилмайдиган монополист ишлаб чиқаришнинг Q_m ҳажмини танлаши ва P_m баҳосини ўрнатиши мумкин. Бу ҳолатда у штрихланган учбурчакка тенг – иқтисодий фойдага эга бўлар эди.

Мукаммал рақобат шароитида $P = MC$; ушбу баҳо (P_2) жамият нуқтаи назаридан оптимал ҳисобланади, чунки ресурсларнинг самарали тақсимланиши таъминланади. Агар давлат ушбу баҳони монополист маҳсулотига ўрнатса, унда монопол корхона зарар кўради. Бошқарувчи ташкилотлар ўртача ҳаражатлар даражасига мувофиқ P_1 баҳони ўрнатиб, ушбу корхонага адолатли фойдага эга бўлишига рухсат беришлари мумкин. Бу баҳо Q нинг оптимал ҳолатига ($Q_1 < Q_2$) нисбатан камайишига олиб келиши ҳам мумкин. Аммо, бу ҳолат истеъмолчиларга бошқарилмайдиган табиий монополия шароитига қараганда ижобий таъсир этади, яъни $Q_1 > Q_m$.


3) Давлат мулкни шакллантириш, яъни хусусий мулк эгаллигида бўлган табиий монополияни бошқариш ўрнига, давлат монополиянинг мулкдорига айланади. Башкача қилиб айтганда давлатнинг ўзи монополистга айланади.

10 Мавзу. Монопол рақобатли бозор.

1. Монопол рақобатли бозор модели.
2. Монопол рақобат шароитида баҳо ва ишлаб чиқариш ҳажми.
3. Баҳосиз рақобат ва иқтисодий самарадорлик.

1.Монопол рақобат - у тармоқдаги дифференциалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча ўнлаб корхоналарнинг ўзаро рақобати бўлиб, бунда фирмалардан ҳеч қайси бири бозор баҳосини назорат қилиш учун етарли ҳокимиятга эга бўлмайди.

Монопол рақобат бир томондан «соф монополия» ҳолатига ва шу билан биргаликда иккинчи томондан «мукаммал рақобат» га ўхшайди. Монопол рақобат шароитида корхонанинг талаб эгри чизиғи эластик бўлади.



Монопол рақобатли бозор моделини қуйидагича тасвирлаш мумкин:


Монопол рақобат шароитида фирма маҳсулотларига бўлган талаб эластиклигининг омиллари асосан қуйидагилардан иборат:

- 1) рақобатчилар сони;
- 2) маҳсулотнинг табақалашув даражаси;

Товарни табақалаштириш – деганда уни бошқа товарлардан қандайдир белгиларига: сифати, рекламаси, савдо белгиси, қадоқланиши ва бошқаларга қараб ажратиш тушунилади.

Товарни табақалаштириш билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар - тармоққа кирувчи янги корхоналар учун тўсиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун монопол корхоналар, одатда товарларни табақалаштиришга ҳаракат қиладилар.

2. Қисқа муддатли даврда монопол рақобатли бозорда ҳар бир фирманинг фаолияти кўп жиҳатдан соф монополия давридагига ухшаб кетади. Дастлаб у - $MC = MR$, яъни чегаравий ҳаражатлар миқдорининг чегаравий даромадлар миқдorigа тенглигидан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини танлайди. Сўнгра эса ушбу ҳажмга мос келувчи баҳони (P^*) ўрнатиш учун талаб эгри чизигидан фойдаланади. (1-чизма).



1 - чизма


Бу ҳолатда корхонанинг фойда олиши ёки зарар кўриши баҳо билан жами ўртача ҳаражатларнинг (ATC) ўзаро муносиблиги билан боғлиқ бўлади. Аммо, монопол рақобат шароитида иқтисодий фойда ва зарарлар узоқ вақт мобайнида олинмайди.

Узоқ муддатли давр мобайнида олинадиган фойда рақобатчилари тармоққа жалб этади, зарарлар эса ундан чиқишга ундайд. Корхоналарнинг миграция жараёни иқтисодий фойда - 0 га тен бўлгунга қадар давом этади. Бу ҳолат мукамал рақобатга хосдир, яъни: на фойда, на зарар.

Узоқ муддатли мувозанат графикда қуйидагича кўринишда бўлади:

Бу ерда А - узоқ муддатли мувозанат нуқтаси бўлиб, унда $\pi = 0$ бўлади. (π - фойда).

«D» - талаб эгри чизиги узоқ муддатли ҳаражатлар эгри чизиги (LAC) билан кесишади.



Бу ҳолатда фирмалар фақат нормал фойдага эга бўладилар.

3. Монопол – рақобатчи корхонанинг ишлаб чиқариш даражаси ишлаб чиқаришнинг самарали масштабига қараганда паст даражада бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг самарали масштаби – бу жами ўртача ҳаражатларни минималлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажмидир.

Ҳақиқатдан ҳам, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини (Q) ошириши ва жами ўртача ҳаражатларни (ATC) камайтириши мумкин. Бу ҳолатда ортиқча кувват (ΔQ) мавжудлиги ҳақида гапирилади.

Ортиқча кувват (ΔQ) – ишлаб чиқаришнинг самарали масштаби билан маҳсулот чиқимининг ҳақиқий ҳажми (Q^*) ўртасидаги фарқдан иборат бўлади, яъни:

$$\Delta Q = \text{ишлаб чиқаришнинг самарали масштаби} - Q^* ;$$

Ортиқча кувватнинг мавжудлиги, ҳаридорлар истеъмол қиладиган товарларнинг миқдори мумкин бўлган максимал даражада ва жуда паст баҳоларда ҳам бўлмаслигини англатади ($P^* > MC$). Бу шуни билдирадики, монопол рақобат – мукаммал рақобатга қараганда

самарали бозор таркиби ҳисобланади. Чунки, $P^* > MC$, яъни ҳақиқий баҳо ўртача ҳаражатлардан катта бўлганда, баъзи истеъмолчилар товарларни сотиб олишга шопилмайдилар, натижада, монопол баҳо шаклланишининг қайтарилмайдиган жамият йўқотишлари пайдо бўлади.

11 Мавзу. Олигопол бозор.

1. Олигопол бозорнинг ҳарактерли белгилари.
2. Курно модели. Баҳоли кўраш.
3. «Махбус муаммоси» модели.
4. «Синик талаб эгри чизиги» модели.
5. Олигополистик фаолият типлари.

1.Олигополия – бу бозор таркибининг шундай гурики, унда савдонинг асосий қисми бир неча йирик корхоналар томонидан амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири бозор баҳосига таъсир эта олади.

Олигополиянинг ўзига хос қўидаги ҳарактерли белгилари мавжуд:

- 1) Бозордаги корхоналарнинг сонни камчиликини ташкил этади.
- 2) Олигопол корхоналарнинг бозордаги улуши юқори бўлади,шунинг учун ҳам улар кучли монопол ҳокимиятга эга бўладилар ва баҳо даражасига таъсир эта оладилар.
- 3) Ушбу корхоналарнинг талаб эгри чизиги «пасаювчи» ҳарактерга эга бўлади.
- 4) Олигопол бозорнинг энг асосий белгиси – бу корхоналарнинг бир бири билан ўзаро якин алоқада ва бир бири билан боғлиқликда фаолият юритишидир.
- 5) Янги корхоналарнинг тармоққа киришида кучли тўсиқларнинг мавжудлиги.


Олигополистик фаолият оқибатлари:

- 1) талабни баҳолаб бўлмайди;
- 2) MR даражасини аниқлаб бўлмайди;
- 3) Мувозанат баҳосини (P^*) ва савдонинг мувозанат ҳажминини (Q^*) аниқлаб бўлмайди.


Бозор ҳолатининг ушбу ноаниқликлари - кўпчилик олигополия моделларини вужудга келтиради. Одатда улар, кооператив ва нокооператив фаолият моделларига бўлинади.

Нокооператив фаолият ҳолатида сотувчи - баҳони ва ишлаб чиқариш ҳажминини аниқлаш муаммосини ўзи мустақил ҳал этади.

2. Кўрно моделига мувофиқ - бозорда ўзаро рақобатда бўлган иккита: X ва Y корхоналар бир ҳил маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва баҳо билан ишлаб чиқариш ҳажминини белгилаш бўйича мустақил қарор қабул қиладилар (нокооператив фаолият). Бунда нафақат ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва талаб даражаси, балки рақобатчи корхонанинг таклиф ҳажми ҳам ҳисобга олинади.



Агар Y корхона савдо ҳажминини кенгайтиришни бошлаسا, унда X корхона талабнинг бир қисmini йўқотади, бу ҳолат D_X графигини чапга қараб силжитади. (10,2,1-чизма). Бунинг натижасида X корхонанинг фойдасини максималлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажми ($Q_0 \rightarrow Q_1 \rightarrow Q_2$) ва унга мос баҳо даражаси ўзгаради.



2 - чизма.

Y корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмидан боғлиқ бўлган X корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми графиги – муносабат билдирувчи эгри чизиги дейилади. Ушбу графикни Y фирма учун ҳам ҳосил қилиш мумкин.

A нуқтадаги – Кўрно мувозанати, корхоналарнинг тахминлари уларнинг реал фаолияти билан мос келиши ва Q_X ҳамда Q_Y ларнинг оптималлигинини кўрсатади.

Курно дуополияси – бу бир корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши билан иккинчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилиши шароитида ушбу икки корхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилувчи моделди.

Аммо, агар X корхона актив ҳаракат қилиб Y корхонани ўз бозорига қўймаса, унда баҳолар жанги бошланиши мумкин.

Баҳолар жанги – бу рақобатчи корхонани олигопол бозордан сиқиб чиқариш мақсадида баҳолар даражасини босқичма – босқич камайтириш жараёнидир.

Ушбу жараён баҳонинг минимал даражага пасайтирилишигача давом этади ($P = AC = MC$).

3. «Махбус муаммоси» модели – олигопол корхонанинг фаолиятини «уйинлар назарияси» нуқтаи назаридан таҳлил этади. Уйинлар назарияси – иштирокчиларнинг эҳтимолли ҳолатлардаги ҳаракатини математик методлардан фойдаланиб ўрганади.

Корхонанинг олигополия шароитида ўзининг баҳо стратегиясини аниқлашда рақобатчи корхонанинг стратегияси билан боғлиқ бўладиган эҳтимолли фойда ва зарарларни ҳисобга олади.

Баҳо масаласини ечишда, A ва B корхоналар нокооператив ўйинга ўйнайдилар, яъни ҳар бир корхона рақобатчисининг ҳаракатларини ҳисобга олиб, баҳонинг даражасини мустақил белгилайди.

Мумкин бўлган хатарли вазиятларнинг олдини олиш мақсадида A ва B корхоналар бир вақтнинг ўзида баҳоларни тушурадилар, натижада фойданинг бир қисmini йўқотадилар.


Ушбу стратегия махбусларнинг ҳолатига хосдир, улар бир бирларига ишонмасдан, имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилиб, қўлай пайтни кутишади.

A ва B корхоналар учун ҳодисалар эҳтимолли вариантлари қуйидаги натижалар матрицасида тасвирланган:

A корхонанинг баҳо стратегияси	B корхонанинг жавобан ҳаракати	
	Баҳони пасайтириш	Баҳони ўзгаришсиз колдириш
Баҳони пасайтириш	π - пасаяди	π - пасаяди
	π - пасаяди	π - ошади
Баҳони ўзгаришсиз колдириш	π - ошади	π - ўзгармайди
	π - пасаяди	π - ўзгармайди

4. Ушбу модел баҳоларнинг қатъийлигини ифодалайди. Олигополистнинг талаб эгри чизиги шакли корхонанинг

ҳаракатларига рақобатчиларнинг муносабати билан боғлиқ бўлади. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб эластик бўлади, қачонки у баҳони оширса, чунки рақобатчилар бунга жавобан баҳони оширмайдилар (D_2). Агар, корхона ўз баҳосини камайтирса, унда талаб ноэластик бўлади, чунки рақобатчилар ҳам бунга жавобан баҳони пасайтирадилар (D_1). Натижа – корхонанинг синиқ талаб эгри чизиги (D_2PD_1).



3 — чизма.

P — ўрнатилган баҳо. Агар корхона баҳони оширса, унда талаб D_2 ҳолатига кучади. Агар корхона баҳони пасайтирса, талаб ўзгармайди.

MR — чегаравий даромад эгри чизиги $A-B$ бўшлиққа эга бўлади. MR даги бўшлиқ сабабли маҳсулот ҳажми чегаравий ҳаражатларнинг (MC) ўзгариши билан товар баҳосига таъсир этмайди.

5. Олигополистик фаолиятнинг қуйидаги типлари мавжуд:

А) Картел келишувлари.

Пинхона келишув — бу картелларни шакллантиришга йўналтирилган олигопол фаолият шаклидир.

Картел — бу корхоналар гуруҳи бўлиб, улар маҳсулот ҳажми ва баҳолар даражаси бўйича қарор қабул қилишда ўзаро келишиб оладилар.

Ягона баҳони ўрнатиш картелнинг барча аъзоларини пул тушумини оширади, аммо баҳони ошириш савдо ҳажмини мажбурий пасайтириш билан амалга оширилади.

Ушбу келишувда ҳар бир корхона, ўз фойдасини максималлаштиришга ҳаракат қилиб, бошқалардан яширинча баҳоларни пасайтириб тез-тез шартномани бўзадилар. Кўпинча бу ҳолат картелларнинг таркаб кетишига сабаб бўлади.

Яширинча келишувнинг тўсқинликлари:

1. Талаб ва ҳаражатлардаги фарқлар.
2. Тармоқдаги корхоналар сони.
3. Тармоққа бошқа корхоналарнинг кириши мумкинлиги.
4. Баҳоли табақалашув тамоили бўйича яширинча баҳони пасайтириш билан асосланган қаллоблик.

Б) Баҳо бўйича етакчилик.

Баҳо бўйича етакчилик (пинхона келишув) – бу олигополистлар ўртасидаги ўз маҳсулотларига баҳо ўрнатиш бўйича ўзаро келишувдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, тармоқдаги корхоналар бир етакчи – компания томонидан ўрнатилган баҳодан келиб чиқиб баҳо белгилайдилар. қоида бўйича, етакчи сифатида ўз тармоғи доирасида йирик бўлган корхона ҳисобланади.

Баҳони тўғрилашда етакчи корхонанинг тактикаси:

- 1) Баҳо баъзан тўғриланади ва ҳаражатлардаги ўзгаришларнинг кучайиши шароитида амалга оширилади.
- 2) Баҳоларни қайта кўриб чиқиш СМИ орқали хабар берилади.
- 3) Баҳо бўйича етакчи корхона максимал бўлмаган баҳони танлайди.

В) Баҳони бир маромда ушлаб туриш амалиёти.

Бу энг паст баҳо белгилаш амалиёти бўлиб, у тармоққабошқа корхоналарнинг киришига тўсқинлик қилади. Бунда тармоққа

рақобатчиларни қўймаслик учун корхоналар вақгинча фойдадан воз кечадилар.

Ушбу амалиёт механизми шундан иборатки, унда корхоналар асосий рақобатчиларнинг мумкин бўлган минимал ўртача ҳаражатларини баҳолайдилар ва баҳони унинг даражасидан паст қилиб белгилайдилар.

Г) «Ҳаражатлар плюс» тамоили бўйича баҳони шакллантириш.

Ушбу баҳони шакллантириш деганда, олигополист баҳони белгилашидан олдин ишлаб чиқаришнинг баъзи режали даражасида ўзининг ўзгарувчи ҳаражатларини (AVC) баҳолайди, шундан сўнг унга маълум фойда фоизи миқдорида қўшимча қўшади.

$$P = AVC + \text{«устама»}$$

Ушбу қўшиладиган қўшимча шундай даражада бўлиши керак-ки, у ўртача доимий ҳаражатларни (AFC) қоплаши ва нормал фойдани таъминлаши лозим.

Мундарижа:

- 1 Мавзу. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, объекти ва методлари. 5
- 2 Мавзу. Талаб ва таклиф таҳлили асослари. 12
- 3 Мавзу. Талаб ва таклиф эластиклиги. 21
- 4 Мавзу. Бозорни давлат томонидан бошқарилиши. 27
- 5 Мавзу. Ишлаб чиқариш функцияси. 35
- 6 Мавзу. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва фойда. 42
- 7 Мавзу. Мукаммал рақобат шароитида таклиф. 47
- 8 Мавзу. Соф монополия шароитида баҳо ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш. 53
- 9 Мавзу. Баҳоли дискриминация. Монопол хокимият. 56
- 10 Мавзу. Монопол рақобатли бозор. 61
- 11 Мавзу. Олигопол бозор. 65

